

АБДУЛЛА ОРИПОВ



*Биринчи
муҳаббатим*

Абдулла Орипов

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Шеърлар



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў) 6

О 68

Тупловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Лазиз Тангриев, Дониёр Бегимқулов

Орипов, Абдулла

Биринчи муҳаббатим. Шеърлар / А. Орипов; тупловчи ва нашрга тайёрловчилар: Л. Тангриев, Д. Бегимқулов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 156 б.

Ўз ҳаётида севиб-севилмаган, муҳаббат аталмиш ажиб боғдан гул узмаган инсон бўлмаса керак. Бу боқий ва муқаддас туйғу шоиру ёзувчиларимиз, бахши, рассомларимиз ижодининг доимо бош мавзуси бўлиб келган.

“...Биринчи муҳаббат!” Бу сеҳрли сўз жаранглаши билан ҳар қандай одамнинг кунгил қатларида яшириниб ётган ҳис-ҳаяжон ширин бир энтиқиш билан юзага қалқийди, юрак ўртанишлари гўзал ва роҳатбахш хотираларни ёдга солади. Биринчи учрашув, биринчи севги изҳори, биринчи изтироб...

Азиз шеърят муҳиблари! Сизга тақдим этаётганимиз ушбу тупламда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг бутун ижоди мобайнида ушбу ўлмас мавзуда битилган шеър уғаллари жамланган. Улар Сизни хушнуд этади, деган умиддамыз.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў) 6

© А. Орипов

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ISBN 978-9943-03-808-0

Биринчи муҳаббатим

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зухро юлдуз милтираб хира ханда отганда,
Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мен сени эста олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи туполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тулганим йўқ,
Эрта хазон гул каби саргайиб сулганим йўқ,
Сени эслаб йиглайман, биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,
Ҳуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай,
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,



Мен кимга суюнгаймман, биринчи мухаббатим,
Фақат эслаб ёнгаймман, биринчи мухаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпанга қулоқ тутдим,
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим.
Тонгда туриб номинга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги оҳим менинг, биринчи мухаббатим,
Ёлғиз Оллоҳим менинг, биринчи мухаббатим.

1968



Сен баҳорни соғинмадингми?

Уйғонувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёноғингдан ранг олган дедим –
Лолазорға бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб,
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга булмади насиб,
Сенсиз мен ҳам баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирларда сакрайди оҳу,
Наъматақда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқарилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳингдан фақат мен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана бугун наврузи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим буйи чорлаб утарман,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

1963



Муҳаббат



Ҳаёт меңдан аямади неъматларини,
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.
Фақатгина бир гам ўртар юракларимни,
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.
Болаликдан ўтиб мен ҳам буй етиб секин,
Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб,
Бир ёш йигит севганчалик севдиму, лекин
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.
Кўнгил шишам бир сўз билан қолганда дарз ёб,
Қаламимдан илк мартаба тукилди гамлар.
Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб
Ичдим ҳатто талай-талай шеърий қасамлар.
Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи –
Баъри маълум, ҳаммасига етади ақлим.
Юрагимда севги изи топилмас асло,
На бир афсус, на бир алам чиққайдир ундан.
Шоир сатрин такрорлайман секин, бепарво:
“Қайтмас энди, умид қилма кетган тўлқиндан...”
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундоқ,
Ўтирмайман у кўнларни сўкиб, қоралаб.
Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.
Ёлғиз туриб юлдузларга боқаман гоҳи,
Ё ўзимча туш кўришнинг сирин ўйлайман.

Кайфиятим кутарганда, тушса нигоҳим,
Тугри келган ҳар нарсани шеър деб куйлайман.
Баъзан узоқ қишлоқдаги кекса онамга
Юбораман маънисии йўқ, пала-партиш хат.
Ҳамма нарса гоҳо эрмак туюлар менга,
Ҳамма нарса гоҳо осон қуринар фақат.
Баъзан эса уз-узидан кетаман тўлиб,
Титрайман ҳам оҳангларни тинглаб жимгина.
Ўртоқларим ўраб олар юпатмоқ бўлиб:
– Айтгин, ахир, нима сенга етишмас, нима?!
Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин мендан,
Турт мучам соғ, дўстларим бор ҳавас қилгулик.
Нолимайман на келажак, на утмишимдан,
Иродам бор – келса агар бирор кўргулик.
Фақатгина бир куч бордир, фақат угина
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга тоқат.
Ҳаётимда чакнамайсан фақат сенгина,
Толеимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.
Кимга шошай, кимни қўмсаб, кимга сиғинай,
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?
Кимни Лайлим, Шириним деб, бахтим деб атай,
Ҳаётим, деб чўққиларга кутарай кимни?!
Йўқ, йўқ, утган муҳаббатни қўмсамайман ҳеч,
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учкун!
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч!
Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!
О, қалбимга сен ҳам ошно бўлсайдинг, севгим,
Айрилиқмас, висол куйлаб қолсайдим ғамда.
Ҳар қандайин аянчни ҳам улуглар эдим,
Мен ўзимни бахтли дердим ҳар қандай дамда.
Йиғласам-да кулар эдим мағрур ва осон,
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай ғамга.
Яна қайта севарманми? О, гар севолсам,
Майли, ҳаёт бор-йўғингни ташла елкамга.



Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,
Қотиллик ҳам қилай, майли, Отелло монанд.
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

1965



Сен илоҳий...

Сен илоҳий фаришта мисол,
Пайдо бўлсанг кўзим унгида.
Унугаман ўтмишни дарҳол,
Унугаман келажакни-да.

Бутун фикрим, бутун хаёлим
Ихтиёринг бўлиб қолади.
Телбадурман. Вужудимни бир
Илоҳий руҳ қоплаб олади.

Аммо сен кетасан ва бирдан
Бузилади симобий бу ҳол.
Яна менинг тўрт тарафимдан
Қуршаб келар оғир бир хаёл.

Яна ўтмиш, афсус ва қадар
Оғушига тортарлар мани.
Аммо улар менга бу сафар
Қуринади гоят беъмани.

1960





Мажнунтол

Негадир у эгмиш бошини,
Нега мунча ғамгин мажнунтол?
Ишқ утида ёнган Лайлими,
Ёзик сочи сув ичра хол-хол.

Елларга ҳам келдингми, демас,
Парво қилмас, ғамгин эгган бош.
Айт, зилол сув, у нега ғамгин,
Агар билсанг, жавоб бер қуёш.

Жавоб бермас, фақат гувлар ув,
Қуёш тортмиш юзига парда.
Инграгандек тулғонади сув
Ғалаёнми, қушни дарада!..

Ошиқ бўлсанг, сенинг ишқингни
Ким экан у топтаган юрак?
О, табиат! Балки қалбингни
Ўғирлаган ҳув мағрур терак.

Ишқ обруга ҳайф деб балки у
Қукка томон буй чўзмиш мағрур.
Сени Мажнун демишлар, балки
Ғамгинлигинг боиси шулдир?

Бурон мисол укирар гирдоб,
Бу зур қудрат ишқмикан, некин?

Тошни тошга уриб келару
Мажнунтолни эркалар лекин.

Шивирлайди алланимани,
Қани еллар! Қани, қулоқ сол!
Тулқин кетар, ҳайқириб яна,
Кузёш тукиб қолар мажнунтол.

Дарё булиб юпатармикан
Мажнунтолни ёки муҳаббат?
Урадио тошларни тошга,
Фақат унга роз суйлар, фақат.

Дарё увлар: “Ҳей, кар юраклар,
Кузларимга кўринма, йўқол”.
Ҳайқир дарё ва лекин ишқнинг
Содиғига ошно булиб қол.

1960



Эриган булут

(Ҳазил шеър)

Улкан чўққидаман, ёнимда дилдор,
Қайноқ лабларига босдим лабимни.
Нозик ҳис тўлқини гурлар улуғвор,
Шўх нигоҳ элитар, тирнар қалбимни.
Шу пайт етиб келди, ҳув паға булут,
Бошимизда ҳеч ҳам солмай гулдурос.
Виқор-ла тўхтади, сокин ва жим-жит,
Сўнгра тўлғонди-да, сув қуйди шаррос.

Қизарган лабларинг титради бехос:
– Наҳот бошимизга ёмғир тукилса?
– Ажабланма, дилдор, бу зўр эҳтирос,
Ажабмас, булут ҳам эриган бўлса.

1960

Софдил

Сокин туннинг сайрига
Таклиф этдим, қайтмадинг.
Қайтмадинг о, ўзгани
Севишингни айтмадинг.
Сен кетдинг, қалбингнинг
Изи қолди ёдимда,
Сутдай ойдин кечанинг
Ўзи қолди ёнимда...

1960



Севгисиз одам

Қулоқ солинг менга, яхши қиз, бир оз
Дилимни очмоқчи бўляпман Сизга.
Тунов кун бир дўстим мени даб-дуруст
Айблади севгисизликда.
Беҳабар эмишман муҳаббатдан мен,
Қалбимда ишқ эмас, бор эмиш илон.
Исбот: қизлар билан юрмас эмишман,
Сирлашмас эмишман ҳар кимлар билан.
...Етмасмиди ўзи қалбдаги тўлқин,
Қул босган оташни кўзғадинг нечун?
Севги керакмиди сенга, дўстгинам?..
Севаман тинч оқшом, юлдузли тунни,
Севаман сайраса қушлар бетартиб.
Севаман оромни, суронни, лекин
Мен уни севардим булардан ортиқ.
Хуруж айлаганди бедаво фиरोқ,
Аччиқ алам ичра ёнсам тутақиб,
Ўлимни жонимдан севаман, бироқ
Мен уни севардим ўлимдан ортиқ.
Аммо ҳаёт оқар ўз билишича...
Ўзганинг юраги сенга бўйсунмас.
Севсангу, севсангу севилмасанг гар
Бундан қайғулироқ қайғу топилмас.
Нима керак менга ишқ-муҳаббатни
Яна ўзга қиздан талаб айламак!
Муносибдир бугун ишқсиз хилватни

Менинг номим билан балки бойламак.
Яхши қиз, хаёлга толдингиз нечун?
Нечун кўз ёшингиз томди йўлимга?
Севгисиз одамга ачинмоқ нечун,
Кўзёш йул тополмас менинг дилимга.
Хайр энди, чиқай,
Ойдин кучадан
Эшитилса агар бир ёлғиз қадам,
Ажабланманг асти, у сизга таниш
Севгисиз одам...

1960



Сув париси

Ул санамки сув яқосинда паритек ултурур.

Атойи

Бир баҳор туни эди, йил фаслида оддий боб,
Ушал баҳор тунини куйла дединг умрбод.
У баҳор туни эди, дарёнинг қирғоғида
Ёнар эдим интизор бир гўзалнинг доғида.
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.
Дарё ширин висолни айлар эди ҳикоят
Жилваси ой нурида у қиз каби шўх ғоят.
Нигоҳимни аллалаб, тебранишиб учарди,
Бешик-бешик тўлқинлар хаёл каби кўчарди.
Кўзларимда пастлади ўшал тунда осмон,
Тўлқин аро тўлғониб, қиз бўлганда намоён.
У тун бешик тўлқинлар, асов-асов чопдилар,
Ҳарсанг узра ястанган пари қизни топдилар.
У сеҳрли сув қизи! Ой нурида оппоқ қор,
Тирилдими қаршимда афсоналар ё қатор.
Бешик-бешик тўлқинлар атрофимда тўлғонди,
Борлиқ юзи қоп-қора кокилига чўлғонди.
Кўз олдимда не ҳол бу? Одаммисан ё пари?!
Юлдузмисан, учдингми масканингдан сарсари.
О, сув қизи, сув қизи, кимсан, айла иноят,
Кокилингга чўлғонмиш қайси мудҳиш ҳикоят.
Малакмисан ё Таврид афсонавий гўзали,

Қайси ҳарам юлдузи, қайси юрак ғазали.
Не истайсан сув қизи, балки бўлай халоскор,
Мен кутаман бу жойда севиклимни интизор.
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,
Рашк этиб, ой шуъласин оёқларин ёпарди.
Тўлқинлар қуршовида дарё билан пайваста
Тим қора кокилига тароқ урди у аста.
Имо этди қошига ва чорлади узоққа
Мендан йироқ ёт гушага – соҳил, яшил чорбоққа.
Қуй, пари қиз, майли, кетгин, одаммисан ё пари
Сени ёринг кутмоқда бор, дайдимагин тунлари.
Кўрасанми, париваш, тўлқин ўпар қиргогин,
Кўзларимга тушмасин хиёнаткор нигоҳинг.
Гўзалликка зор бўлсанг, майли кетма йироққа,
Севиклигим келганда ўзинг чиққин қирғоққа.
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопдилар,
Асов, ёлдор қирғоқ-ла нигоҳимни ёпдилар...
Ғойиб бўлди сув қизи, учди янгроқ қаҳқаҳа,
Таниш эди овози, таниш эди у ҳа, ҳа.
Бир баҳор туни эди, дарёнинг қирғоғида
Ёнар эдим интизор сен гўзалнинг доғида.
О, шўх гўзал, сен у тун шўхликларга тўлмадинг,
Тўлғонмадинг ёнимда, сен ўшал тун келмадинг.
Тонг юлдузи қулганда ётоғингга йўл олдим,
О, уйқусиз кўзларда не сирларни кўролдим...
Йўқ, уйқусиз кўзлардан сўз очмадим мен у тоб
Ўшал баҳор тунини қуйла, дединг умрбод!

1960



* * *

Умр дуч қиларкан кимга бир-бирни
Таҳлил этмоқ даркор аввал тақдирни.
Паҳлавон эмасман, кўкни ер, ерни –
Осмон этмоқликни кутмагил мендан.

Ҳар пари рухсорга бермадим хаёл,
Сен ҳам, эй дилбарим, шуни билиб ол:
Ҳусндор эмасман, кўрганларни лол,
Ҳайрон айламоқни кутмагил мендан.

Баъзан кечирарлар ёш бўлса нодон,
Аммо умр бўйи мен дейман шодон,
Бойликни севмасман, яъни тиллодан
Ҳамён айламоқни кутмагил мендан.

Истасанг, истасанг, қушиқларим бор,
Баъзан яхши-ёмон тўқишларим бор.
Гар шеърни севмасанг, суқишларим бор,
Омон айламакни кутмагил мендан.

1960

* * *

Шовуллади тун буйи шамол,
Қалдироқлар қучди ларзақор.
Шивирладинг ёнимда хушҳол:
«Яна келди, дўстгинам, баҳор».

Шовуллади тун буйи шамол,
Қорликларда учди изимиз.
Шивирладинг ёнимда хушҳол:
«Мангу бирмиз, дўстим, иккимиз».

1961





«Номаълум қиз» суратига

Сен чиндан ҳам гузалсан
Лабларинг ол, қирмизи...
Сочларингга сунбул банд,
Кузларинг тонг юлдузи.
Сен чиндан ҳам гузалсан,
Ҳузурингга келдим бот.
Ёлбораман, туш пастга,
Ёлбораман, паризод...

1961

Сендан йироқда

Сенинг эзгу хаёлинг билан
Тонг ёришди, қуёш ҳам ботди.
Ва менинг бу севги асири
Юрагимда ҳислар уйғотди.
Қайда сенинг латиф қиёфанг?!
Ишонмадим шеър хаёлига.
Наҳот тушсам сендан йироқда
Пинҳон ёнган ошиқ ҳолига...

1961



Қул

Йигит кучга тўлди, етилди,
Билакларин тўлдирди мускул.
Чамасида билак кучининг
Қаршисида осон ҳар мушкул.
У истаса метин тошларни
Совуради тупроқ, қул каби.
Аммо ёрнинг юзида у қул
Сийпаланар майин гул каби.

1962

* * *

Ошиқ учун бундан соз
Бахт йуқ дедим, жаҳонда.
Латиф оёқларингни
Яширган хиёбонда –
Ҳузуринга чорладинг:
“Ошиқ, бунда кел”, дединг.
“Тулар ҳажрингда ёнди,
Маъшук бунда, кел”, дединг.
Гулми, дедим соғинган,
Борсам, ажиб ҳол экан.
Жамбил кокилларинга
Парвона, беҳол экан.
Дедим: “Мендан узга ҳам
Ҳажрингизла зор экан?!”
Деди: “Етар, сенга ҳам
Битта висол бор экан!”
Ошиқ учун бундан соз
Бахт йуқ дедим, жаҳонда,
Латиф оёқларингни
Яширган хиёбонда....

1963



Эслаш

Ҳар тонг қаршилардим сени шу йўлда,
Билмам, қайларгадир шошиб ўтардинг.
Илк баҳор селидай тошиб ўтардинг,
Нигоҳсиз кимсага, на унгу сўлга.
Мен дердим, бу қизнинг қайда гушаси,
Йўлларида унинг кимдир зормикан?
О, у севгисидан бахтиёрмикан
Ва ё манзилида хазон тўшаги?
Энди йўлларимиз тушди кўп йирок,
Босилди қалбдаги ўшал тўфонлар.
Қайдасан, қалбимни тирнаган сўроқ,
Қайдасан, илҳом бахш айлаган онлар?
Қайдасан, мен сени унутгим келмас,
Умр йўлларимнинг тотли дамлари?
Бунда ўтган бир йил, қайғу ҳам ҳавас,
Ёниш, ўртанишлар, хаёллар бари ...

1963

* * *

Деразангни қоғлар оқшом зулмати,
Изин қора айлаб ботади ой ҳам.
Нечун мени фақат шу зулмат пайти
Қучиб ардоқлайсан, нозик фариштам?
Самовий кўзларинг сачратиб учқун,
Нечун тикилади фақат ушанда?
О, наҳот шу кўзлар ётдир мен учун
Кундуз машғаласи порлаб турганда.
Тепамда тун каби қуюлади соч,
Қора тун ёнади оташ юзларда.
Нечун ўзгаларга нур сочган қуёш
Бизнинг орамизда бўлади парда?
Нечун иккимизни қолдириб ёлғиз,
Коинот тубида қуёш чекар оҳ?
Жавоб бер, қошингда чукмақдаман тиз,
Жавоб бер, макрингдан мени қил огоҳ.

1963



Уйлардимки, номингни сенинг
Такрор этмас энди тилларим.
Күп бұлмишки, күмсаб васлингни
Йуларингда оқмас унларим.
Мен бепарво яйраб аршимда
Сен учун ҳам юрардим шодон.
Нечун пайдо булдинг қаршингда,
Яна кабоб булсинми бу жон.
Яна қушиқ айтайми инграб,
Яна андух бұлсинми ишим?!
Истамайман, гамимни тинглаб,
Дустларимнинг маъюс бўлишин...
Хайр энди, хайр дилрабо,
Майли, куйлай номингни айтиб,
Катта йулга чиққанман, аммо,
Ул сұқмоққа бормасман қайтиб,
Хайр энди, хайр дилрабо.

1963

* * *

Бахт кутмасман узгадан зинҳор,
Бировга бахт беролмасман ҳам.
Сен бахтимсан, демагил, дилдор,
Бахт беролмас одамга одам.

Куряпсанми, гавжум булоқдан
Чирт узилиб тушди бир япроқ.
Барглар йиғласа-да фироқдан,
Қутқаролмас дустини бироқ.

1963



Айрилиқ кўшиғи

Асло айрилиқни куйламас эдим,
Умрим утса дердим хушнуд, бахтиёр.
Фақат висолингни куйласам дердим,
Не қилиб кўйдинг сен, бевафо дилдор?
Не қилиб кўйдинг сен?! Алвидо демак
Наҳот, шунча осон севган кўнгилга?!
Хайр дейман мен ҳам ва лек ноилож,
Сенинг хотирангни сақлаб мангуга.
Хайр, дейман мунгли... аммо биламан:
Қалбимдан ширин куй куйларман яна.
Дўстларим севгисин шан давраларда,
Шўхчан висолларин куйларман яна.
Шунда, эй, хотирот, заҳар тилингни,
Ширин дамимизга кўшмагин фақат.
Бемаҳал уйғониб йўқолган ишқим,
Шодумон қалбимни букмагин фақат.
Заҳар кўшма фақат кўшиқларимга,
Мен ширин кўшиқлар айтмоқ истаيمان.
Кулги ила мен ҳам шўх давралардан,
Тотли хаёл ила қайтмоқ истаيمان...

1964

* * *

Мен қувнонар бўлсам – сен сабаб,
Ўйга толар бўлсам – сен сабаб.
Мен ўлишни истамасман, йўқ,
Ногоҳ ўлар бўлсам – сен сабаб.

1963



Қасам дара

Қасам дара гувиллайди маст.
Гувиллайди туби йўқ макон.
Кўқдан унга кўринар фақат
Митти юлдуз ва парча осмон.
Атрофидан қоқ қоя тошлар
Журъат билан термилади лол.
Бир кўрай деб зина тарашлаб
Қояларга тирмашар ҳилол.
Бунда на қуш, на бир жонивор
Ва на шамол кўрсатар қора.
Афсоналар сўйлайди такрор
Менинг чанқоқ дилимга дара:
– Ана, овчи, оҳу қувади,
Учадилар тошлар аро тик.
Қочқин оҳу тоққа қунади,
Сўнг дарага сакрайди шўрлик!
Қасам дара – даралар шери
Ўлжа кутиб увларкан пастда,
– “Ҳайт”, – дейди-ю (о, сен, ов меҳри)
Ташланади овчи ҳам пастга.
Ботирини сақлайди омон
Тасодифга тўла бу дунё.
Овчи овин айлар саранжом.
Овулига чоғланар, аммо,
Аммо бирдан қотади қарахт...
Асир этмиш уни бу макон.

Атрофида тошлар-у, фақат
Тепасида юлдуз ва осмон.
Алвонларин ёйиб уфққа
Чиққунича зар кокил қуёш,
Шўрлик овчи интилар кўкка,
Сунг иложсиз тўкар юм-юм ёш.
Ботирини ахтариб шу зум
Келар ёри, овулдошлари.
– Айтинг, ота, не қилмоқ лозим?! –
Кекса чолга юзланар бари.
– Болаларим, ов меҳри уни
Туширибди дарага осон,
Хотин меҳри, ёр меҳри, кўринг,
Олиб чиқар жардан бегумон.
Шунда,
Ёвқур бир йигит дадил
Бажо айлар чолнинг шиорин:
Дара узра кўтариб адл
Кучоқлайди овчининг ёрин.
Фарёд солар овчи хотини,
Йигит эса кучар яхшироқ.
Овчи, ҳайҳот, қутурар ёниб,
Қафасдаги шердан ваҳшийроқ.
Гуё чўкар даранинг маҳри,
Гуё тошлар кетар орадан:
– Ҳайт, – дейдию (о, сен, ёр меҳри!)
Овчи чиқиб кетар дарадан.
Қасам дара гувиллайди маст,
Гувиллайди туби йуқ макон.
Кўкка боқиб у кўру карахт
Афсоналар сўйлайди ҳамон.
Қасам дара, кездим маҳрингда
Киприкдаги ёшдай омонат.
Қасам дара, сенинг бағрингга
Қасам ичган тушармиш фақат.



Ҳайрат билан сенга боқурман,
Ҳали қасам ичмаганим рост.
На овчиман ва на ботирман,
Кезиб юрган ошиқман, холос.
Пайти келса, севгим, сен учун
Ёр олдида ичурман қасам,
Фазоларни айланиб бутун
Денгизларга қўярман қадам.
Амр этса гар ўша дилбарим
Ташланаман дарага шу зум.
Бир илтимос фақат, дўстларим,
Қайтишида чиқаман ўзим!

1964

* * *

У кўшиқ куйлади ёр шаънига маст,
Шўхчан шеърлар айтди севги номидан.
Ҳаммани кулдирди, қиз эса фақат
Бепарво жилмайиб ўтди ёнидан.

У кўшиқ куйлади ёр шаънига маст,
Йиғлаб, фарёд чекди севги номидан.
Ҳаммани йиғлатди, қиз эса фақат
Бепарво жилмайиб ўтди ёнидан.

У кўшиқ куйлади ёр шаънига маст,
На кулди, на қатра тўқди ёшини.
У куйлади мағрур, қиз бўлса шу вақт
Ҳузурига келди эгиб бошини.

1964





* * *

Йўлим бошлар,
Кетарман бир кун
Сендан йироқ, ўзга томонга.
Уй ёнидан ўтаркан, секин
Қўз ташларсан бум-буш маконга...
Балки у кун курсида якка
Турган бўлар ўзга бир одам.
Балки у ҳам ётиб тушакка,
Хаёл сураб эҳтимол у дам.
Балки уни ўхшатиб менга,
Чақирарсан номимни айтиб.
Ишонмассан балки қўзингга,
Балки сўнгра боқмассан қайтиб.
Ёрилмаган ярадай севги
Унда бизни қийнамас тўлиб.
Кўчаларда ёр эмас, энди
Тўқнашамиз бегона бўлиб.
Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг,
Наҳот бўлмас бирор хотирот?
Ишонмайман, муҳаббатдан сўнг
Бегоналик бошланса наҳот?!

1964

* * *

Юлдузлар утига бардош берурман,
Фазолар тафтига қилурман тоқат.
Ёнингга соғ-омон қайтиб келурман,
Оташ нигоҳингда ёнғали фақат.
Тулқинлар қутурсин майли, беомон,
Менинг қисматимни қумолмагай у.
Барибир ёнингга қайтаман омон,
Мовий кузларингга чўмғали мангу.

1964



* * *

("Соя" драматик достонидан)

Уни кўрсам, қора қуюн қоплар дилимни.
Шунда кимдир йигит номим масхара этар.
Алам билан мен қолгандай тишлаб тилимни
Феруза ёт,

Феруза ёт?!

Даҳшат нақадар!

Кўз олдимда турибсан-ку, Ферузам шу зум
Қайси бир куч ололаркан сени қўлимдан!
Токи таңда жоним борким, очиқдир кўзим
Қайси бир куч ажратолар толе гулимдан.
О, агар сен-чи?
Мамнун бўлиб боқсангчи сен ушал тақдирга?!
Унда, наҳот, тенг этсанг-а эр номимни қора бир
ерга?!
Нега гавҳар бўлмадинг сен ва ё чақмоқ тош,
Қўлларимга тугиб юрсам кеча-ю кундуз.
Нега севгим айламаган сени бир гултож?!
Бошгинамга қўйиб юрсам кечаю кундуз.
Нега бир тош бўлмагансан, сени авайлаб,
Тил остимга солиб юрсам жонимга жойлаб,
Нега бир тош бўлмагансан?!
1964

* * *

Нега мени севмадинг?
Қўзгинанг юлдуз учун.
Нега мени демадинг?
Қошгинанг қундуз учун.

Юлдузи йўққа боқай,
Юлдузим талош бўлур.
Қундузи йўққа боқай,
Қундузим талош бўлур.

1964



Этгали

Тўлғаниб гул очилар боғларни гулзор этгали,
Боғ сари дилдор чиқар ошиқларин зор этгали.

Боғ сари чиқмас эди, чиқди бу кун у қасд ила:
Йўлида муштоқларин ё йўғу ё бор этгали.

Ногаҳоний саҳни боғдан ҳайқириб чиқди Ҳофиз,
Ул деди, ёйди пари кокилларин дор этгали.

Ёлбориб гуллар деди: – Кирма бу бокқа, эй йи-
гит,

Бунга кирганлар кирурлар сочини қор этгали.

Не ажаб, майдон топилса мен учун ҳам деб эдим,
Ўзга бир дилдор билан арузда бозор этгали.

1965

* * *

Ўтинаман,
Йироқлардан мен
Ҳузурингга соғиниб елсам,
Толемга кулиб чиққин сен,
Қувончингни яширма ҳеч ҳам.

Узоқларга отлансам яна,
Сафар тўнин кийсам эрта-кеч,
Ўтинаман, эркам, ушанда
Дариғ тутма куз ёшингни ҳеч!

1965





* * *

Купдан кутган эдим орзиқиб мана,
Булутлар тарқалди тўкишиб кўз ёш.
Хаёлим осмондай ёришди яна
Ёруғ кунларимдай порлади куюш.
Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,
Шамоллар уйнайди йироқ-йироқда.
Юргил, сайр этайлик, юргил, малагим,
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.
Кўряпсанми, қандай яшармиш олам,
Бепарво гўдақдай жилмаяди жим.
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳеч ҳам,
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.
Бугун бош устингда яшнаган япроқ
Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.
Бу учқур йўловчи солмайди кулоқ,
Сенинг илтимосинг, сенинг раъйингга.
Хазонли августнинг бирор оқшоми
Уни кўрарсанми тушингда такрор?!
Майлига, ўзадир кузнинг илҳоми,
Бугун-чи кўз ташла: атрофда баҳор!
Қани, қулгинангни бергил жимгина,
Шу масъул йўлчига қўяйлик ихлос.
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос...

1965

* * *

– Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!
Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим,
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳринга.
Ўзгалар қалбида қадр уйғотдим,
Бироқ етолмадим ўзим қадринга.
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,
Наҳот, гуноҳкорга қушиқдир жазо?!

– Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг масъум ҳамроҳи?!
Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

1965



Аёл

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фирқдан чекканда ёху,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ун тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фирқони, хайхот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам утдилар ҳамон у ёлғиз,
Мунғайиб термилар ботгувчи кунга.
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг булмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир хурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи, эй садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар айтинг,

Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чулпон кўзларнинг буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ ёрингизни кутгали нечун
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қуйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар булмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам булмасди аёл.

1965



Отелло

Чиғатой¹ кўчасин сўл томонида –
Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф,
Саноксиз қабрлар галадонида
Ётибди Отелло – у буюк араб.
Мен баъзан шу йўлдан уйга қайтаман
Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг қошини.
Отелло шаънига салом айтаман,
Зиёрат қиламан мозорбошини.
Арабий кулонкир – Ғарбнинг хужаси,
Майлига, гапимга қилма эътироз.
Мен-ку бир узбекнинг саркаш жўжаси,
Уйқашга ўхшайди исмимиз бир оз.
Бир замон Оллодан сенинг волиданг
Тиланиб олибди, мен-чи, садақа.
Савдомиз бир экан, номлар ҳамоҳанг
Ва лекин ўхшамас қалблар, шунақа...
Мен орзу қилардим сендай севишни –
Қўлимда ханжару қонимда олов,
Уддалай билмадим лекин бу ишни,
“Телбадай севарди” деёлмас биров.
Истардим, сендаги рашкни ҳам, илло,
Булбулга дард қайда гул йўқса агар,
Ҳам бунинг устига, билсанг, Отелло,
Қизларнинг қўлида у қонли ханжар.

¹ Ҳозирги Форобий кўчаси шеър ёзилган пайтда шундай аталган.

Сендаги нафратни хоҳлардим асти,
Разиллар кўзига боқолсам хунхор.
Чунки ҳалигача, Отелло, рости,
Яғони ўқитиб қўйгувчилар бор.
Ортиқча нафрат ҳам керакмас, аммо
Лақаб ҳам тақмасман кимса отига,
Чунки бу асрда, азиз Отелло,
Ҳурмат қўп буюқдир инсон зотига ...
Баъзан кўз ўнгимга тизилиб келар
Севгига гадолар айқаш ва уйқаш.
Гадо деб атама сен бизни дерлар,
Дейдилар, дунёда Отелло яккаш.
Шунда сен келасан кўзингни ёшлаб:
Қайда ишқ, қайда рашк, қайдадир улар?!
Шу шўрлик заминни кетмангиз ташлаб,
Муқаддас туйғулар, олий туйғулар.
Бизнинг руҳимизга ҳокимдир баъзан
Қаноат аталмиш ожиз бир сезги.
Отелло, Отелло, сенинг ишқингдан
Ҳайратга тушишнинг ўзи бир сеvgи...
Йўқ, тақлид қилмасман сенга росмана,
Ҳар кимнинг ҳаётда бор ўзга ўрни.
Ролингни ўйнаса, рашк қилиб мана,
Қабрга тиқибсан буюқ актёрни.

1965





* * *

Чувалади ўйларим сенсиз,
Хаёлимга тароқ ургайман.
Менинг қўлим етмаган юлдуз,
Тушларимда сени кўргайман.

Балаңддасан тоғлар қоридан,
Чақирасан мени илгари.
Ёлбораман арвоқ ортидан
Интилувчи Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача, майлига, кетай,
Кетай, майли, бўлиб овора.
Сени сўраб қўймаса нетай,
Ерда қолган севги бечора.

1966

“Осмон уфқларга...”

Осмон уфқларга сепар кул рангин,
Булутлар чопади, ҳорғин беэга.
Ҳаво нега мунча маъюс,
Ҳаво нега гамгин:
Оҳ, мен сендан ажралдим нега!..

1966





* * *

Ёмғирли кун эди,
Атроф жим, сокин.
Маъюс кўзларингга боқардим сармаст.
Секин шивирладинг: – Боқмагил, йигит,
Севгинг менга янгилик эмас...
Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч,
У ҳам қуволмади кўздан хобингни.
Совук, рутубатли хонамга шу кеч
Олиб қайтим изтиробингни.

Тунда ҳам жимгина ёш тўқди осмон,
У менинг ҳолимга йиғлар эди, бас!
Бас, дўстим, мени деб чекмагил фиғон,
Сенинг кўз ёшинг ҳам янгилик эмас...

1966

Мен сени куйламоқ истайман

Оқ шеър

Мен сени куйламоқ истайман,
Сенинг юзларингни куйламоқ истайман,
Сенинг кўзларингни куйламоқ истайман.
Юзларким, малаги афсонада йўқ,
Кўзларким, жаннати ризвонада йўқ.
Мен сени куйламоқ истайман,
Аммо шундай куйласамки,
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...
Мен сендан бўсалар олмоқ истайман:
Аммо шундай бўсаларки –
Тирқираб қон оқса лабларимиздан,
Зотан, одамлар севгисини ҳам
Алами, нафрати, қувончи каби
Ҳайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.
Истайманки, наъра тортсин чақалоқлар ҳам,
Ўликлар ҳам тинч ётмасин қабрларида.
Мен ҳамма нарсани буюклигича кўрмоқ
истайман

XX аср одамларида.

Зотан, бу аср

Ҳар қандай чекланиш, ҳар қандай қулликни

Итқитиб ташламоқда ўз елкасидан...

Бу асрнинг талаби оддий ва содда:

Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,

Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни





Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,
Бугунда қолмасин овозинг асло!
Мен шу асрнинг бир митти фарзандиман,
Мен унинг бутун қўполлигини,
Бутун нозиклигини,
Бутун совуққонлигини,
Бутун ҳароратини
Сенинг шу ғунчадек нозик лабларингга
Жо қилмоқ, истайман, севгилим...

1967

* * *

Қўйгил, у кунларни эслатма менга,
Қалбимни ёқмасин бу хазон фаслинг.
Энди, бегонаман, жонгинам, сенга,
Энди бегонадир менга ҳам васлинг.
Гоҳида севиниб, гоҳи ғамдадир,
Ишқ узра ёзардим мен эркин қанот.
Билмайман қайси кун, қайси дамдадир,
Менинг қисматимга чанг солди сайёд.
Унинг қўлидадир бу кун имконим,
Бу кун ҳамроҳимдир гўзал изтироб.
Қўйгил, у кунларни эслатма, жоним,
Қўйгил, юрагимга сен берма азоб.
Ўзгалар юзимга боқса ҳам ҳайрон,
Фақат сен томоша қилма ҳолимни.
Фақат сен шеъримни севма ҳеч қачон,
Фақат сен ҳимоя қилма номимни.
Дариғ тут ишваю назокатларинг,
Фақат сен юзимга боқмагил кулиб.
Ҳайҳот, энди барча илтифотларинг
Менга туюлади масхара бўлиб.

1967



* * *

Алвидо, деб қўлларимга бойладинг бир тола соч,
Ошиқ аҳли ичра кимни сайладинг, бир тола соч?
Қолди умрим доми ишқда, соч каби ҳолим забун,
Толеимни тола-тола айладинг, бир тола соч.

1967

Ереван кучасида

Салминахонимга

Мен Ереван кучасида озар қизин учратдим,
Умрим бўйи илк мартаба дуч келдим руёга.
Йўқ, мажусий эмас эрдим, лекин суратдай

қотдим,

Биродарлар, бундай гузал келмагай ҳеч дунёга.
Бекор бўлди иқтидорим, бекор бўлди юрагим,
Бекор бўлди шеърятим ул гузалнинг қошида.
Бекор бўлди саёҳатим, бекор бўлди юрагим,
Бекор бўлди Ереван ҳам туйғулар талошида.
Ёш умримни тарозуга солиб аста қарайман,
Ёшлик ва шеър бу дунёнинг азал-абад тимсоли,
Мен-ку, шеърни тўқимоққа сал-палгина ярайман,
Лекин сенсиз йиғлаб ўтгум Самад Вурғун мисоли.
Озар қизи, нега менга зарра қиё боқмадинг?
Бошим узра турар эди Ўзбекистон суврати.
Озар қизи, нега менга гулларингдан тақмадинг?
Фузулийнинг даҳосига ҳурматининг ҳурмати.
Тақдир деган подшо бўлса ошиқларнинг

ҳоли танг,

Қаёнларга олиб кетар мени ҳам бу йўлларим.
Тилакларим бажо бўлур ва лекин сен бўлмасанг,
Бамисоли Искандардай очиқ кетар қўлларим...

1967





Севги ўлими

Ёмғир тинмай ёғди кун буйи,
Ёмғирли кун каби эзилди дардим.
Яйдоқ кучаларда жим юрган куйи
Сенинг изларингни ахтардим.
Уфқларда эса аччиқ бир туман
Менинг кўзларимга қуярди заҳар.
Увишган қалбимни сокинлик билан
Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.
Энди сен тутмассан асло қўлимни,
Ўтган севгим учун очмассан аза.
Оҳ, қандай ўлим бу севғи ўлими,
Унга на қабр бор ва на жаноза.

1967

Оҳу

Маконинг бўлибди тоғлар ораси,
Сенсан гузалликнинг асли, сараси.
Маъюс юрагингда ишқнинг яраси,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Даралар қўйнида нени истарсан,
Нечун доим ғамгин, доим мустарсан.
Латиф шижоатинг қайга қистарсан,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Йук, сен ахтармассан тоғлардан макон,
Ва на гузаллигинг учун шуҳрат-шон.
Сайёд жабри сенга бермайди имкон,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Қўй, жоним, кўзларинг тўлмасин ёшга,
Тонгда оёғинг қўй баланд бир тошга.
Сени қуёш ўзи кутаргай бошга,
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

1967





Гўзаллик

Кузнинг рутубатли оқшоми эди,
Боғлар сокингина чекар эди оҳ.
Руҳимда бир хазон айёми эди,
Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ.
Мисли хаёл эди у малак сиймо,
Чирой оламининг тенгсиз сайқали.
Кўзларим олдида турарди гўё
Навоий ғазалин тирик ҳайкали.
Бир зум кўзларимдан йўқолди уйқу,
Бир зум баҳор каби ёришди олам.
Бир зум хаёлимдан чекинди қайғу,
Бир зум юрагимдан кетди гам-алам.
Бир зум гўзалликнинг ҳузурида жим
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.
О, доно табиат, о буюк ҳакам,
Ҳикмат кўрмадим ҳеч мен сенга монанд.
Ўзинг юракларга чуқтириб қадар,
Халос ҳам қилурсан раҳм этган дамда.
Шундай гўзалларни яратмасанг гар,
Қолиб кетармидик бир умр ғамда.

1967

* * *

Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,
Танимни жунжитар оқшомги шамол.
Нега мунча ғамгин найнинг навоси,
Нега қалбим тула ўқинч ва малол!
Барглар орасига тинмасдан сира
Ошно юлдузлардан тукилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.
Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол
Маълум эгилади терак учлари,
Барглар соясида ўйнайди беҳол
Уйқудаги қизнинг бедор тушлари.
Атрофимда ётар ғариб бир виқор,
Билмам, нега учди қалбим сафоси.
Нима ҳам қилардим, на иложим бор,
Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси.

1967





Куз манзаралари

Яна далаларга бошлайди ҳавас,
Боғларда хазонлар ёнади лов-лов.
Дўстларим, бу кузнинг барглари эмас,
Менинг юрагимдан тукилган олов.

Шохларда мезонлар ялтирар хира,
Пойида шивирлар менинг куйларим.
Дўстларим, булар ҳам мезонмас сира,
Бу менинг чувалган сунгсиз уйларим.

Қуёш ҳам фалакда бамисли рўё,
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,
У олис ёшлиқда қолган муҳаббат.

1967

* * *

Севгидан суйлардинг у кун энтикиб,
Суйлардинг висолнинг якин келишин.
Мен улсам кузимни қайгадир тикиб,
Уйлардим дунёнинг савдоли ишин.

Бугун-чи, бир ўзим, юрибман танҳо,
Севги ҳам, висол ҳам булгандир абас.
Барчаси мангуга тарк этди, аммо
Фақат ўша уйлар тарк этган эмас.

1968



Бу кун

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Чехраи заррин сира кўрмоққа ҳожат қолмади,
Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун.

Шарҳи дил этмай туриб рад этди ёрим, буйлаким
Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилло бу кун.

60

Нун лабинг узра сокин қоли ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф уйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Бағри қонлар бирла ёрнинг зарра дарди йўқ, не тонг,
Иблис ила кўкда ҳам машғул эрур Олло бу кун.

Чархи кажрафторнинг шеваси доим шул экан,
Васл уйида ғайр эли айлаб юрар ялло бу кун.

Ёр висоли толеингда бўлса, Абдулло, агар
Сенга парво қилсалар ҳам қилмагин парво бу кун.

1968

Баҳор кунларида

(Ҳазил)

Баҳор чоғи эди,
Шод эдик жуда.
Боғда дилдор билан айладик висол,
Жилмайиб юрардик ҳуда-беҳуда,
Худди китобларда ёзилган мисол.

Бирдан гумбурлади момақалди роқ,
Ҳавонинг авзойи бузилди, не ҳол?
Ёмғир ҳам шариллаб қуйди-қу шу чоқ,
Худди китобларда ёзилган мисол.

Бир зум ёмғир ичра қолдик иккимиз,
У менинг куксимга бош қуйди беҳол.
Чумдик аллақандай ҳисларга ҳам биз,
Худди китобларда ёзилган мисол.

Йўқ, энди китобга ухшамади ҳеч,
Қурғур ёмғир биздан кетибди кулиб.
Икков икки ёнга тарқалдик шу кеч,
Менинг белим оғриб, у тумов бўлиб....

1968

Кетмақдаман

Яхши қол, эй, дилбарим, дилда кадар,
кетмақдаман,

Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмақдаман.

На ишончу на қувончу на кўнгилдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар,
кетмақдаман.

Мен қуёш юзлимга деб, тун кечалар бердим юрак,
Оқибат отганда тонг қондир жигар, кетмақдаман.

Неча кунлар ўтди, лекин сўрмадинг ҳолимни бир,
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмақдаман.

Келганимда дедиларки, бу йигит кони зарар,
Кетмагимдан, охир айт, борми зарар,
кетмақдаман.

Билмадим, ҳеч бормикин асли дардимга шифо,
Хаста бу Абдулладан олгин хабар, кетмақдаман.

1968

* * *

Ёндиму ва лекин ҳижрон тунида
Сенга аҳволимни этмадим баён.
Сокин кечалари қузим ўнгида
Мунис қарашларинг булди намоён.

На сен назар қилдинг ҳолимга бир бор,
На мен айта билдим сенга бирор сўз.
Шундай ўтиб борар умримиз бекор...
Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз.

1969





Илк севги

Оддий машинани кўрса болалар
Ҳайратга тушишни қанда қилмайди.
Олис-олисларда улкан кемалар
Учиб юрганини улар билмайди.

Биз-чи, дунё ишин биламиз андак,
Оила қурамиз, бола кўрамиз.
Лекин машинага боққандай гўдак,
Ҳамон илк севгини эслаб юрамиз.

1969

* * *

Ох, ўтган у кунлар қайтмагай зинҳор,
Ўчган муҳаббатнинг ёнмоғи душвор.
Нигоҳинг қадама қароғимга сен,
Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор.

1969





Илтижо

Юзларингни майлига яшир,
Керак эмас, нозлар, имолар,
Гузалликнинг қошида ахир
Чукка тушган шоҳлар, гадолар.

Кимга фойда беҳуда жунун,
Ва дунёга гавғо солишдан.
Айрилиқдан қўрқмасман бу кун
Мен қўрқаман севиб қолишдан.

1970

* * *

Кузак шамоллари эдилар яна,
Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб.
Келгил, паривашим, келгил жимгина,
Келгил самолардан мезонга ўхшаб.
Оқшом тўлқинида кезайлик хушхол,
Тунган юлдузларга боқайлик тўйиб,
Шивалаган ёмғир, дайдиган шамол,
Майли, изимизни кетсинлар ювиб.
Боғларда хазонлар шовуллар қуюқ,
Улар соялардир, жонгинам, фақат,
Улар билмайдилар, билолмаслар, йўқ,
Нақадар буюқдир бизнинг муҳаббат.
Поёнсиз оламга боқайлик сўзсиз,
На ҳасрат, на сўзнинг бордир кераги.
Бизнинг теграмизда ёнаётган куз
Қайси бир ошиқнинг сўнган юраги...

1970



* * *

Келдим қошингизга чошиб, энтикиб,
Майсага бурканган тоғ этаклари.
Уч ой йўлингизда ётдим кўз тикиб,
Эй баҳор бекаси – май чечаклари.
Гарчанд юрагимга гул рухсоридан
Хазон япроқлари энди яқинроқ,
Ҳар нечук қиш фаслин тунд дийдоридан
Жажжи капалакнинг васли ширинроқ.
Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда,
Чилтор қилларидай таралар ёмғир.
Шамол шовуллайди қадим боғларда,
Буюк кўхна дунё кўпчийди оғир.
Мен унинг қўйнида кездим сабодай,
Қорлардан оловранг лолалар ёқдим.
Бир зум шаҳаншоҳлик теккан гадодай,
Умр ўтар, дедиму дунёга боқдим.
Кучоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга,
Туманли туйғулар босмасин оғир.
Илтифот қилмасак жажжи баҳорга,
Нуроний куз бизни сийламас, ахир.

1971

Мактуб

Ғазаллар тўқирдим сенга бир замон,
Кўшиқлар айтардим тунлар бошингда.
Начора, ушбу кун ўзга бир инсон,
Ўзга бир муҳаббат турар қошингда.
Эшитдим, хазонли боғларда танҳо
Ўтказар эмишсан сокин пайтларни.
Саргайган дафтаринг варақлаб гоҳо
Такрорлар эмишсан маҳзун байтларни.
Мен ҳам тонглар баъзан йулга қарайман
Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.
Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,
Сенинг хаёлингга бораман қочиб.
Лекин қутулмоқ йўқ хижрон дастидан,
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.
Дунёда жамики ҳислар устидан
Қаҳқаҳа уради қадим бу ҳаёт.
Надомат нимага ва афсус нечун?
Оламда неки бор учар бешафқат.
Бизнинг вазифамиз кўникмак беун,
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.
Йиллар ўтиб кетар такрор ва такрор,
Ёшлик ҳам ўтади бенишон, бесас.
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб, бир бор
Севгандим, набирам, дея олсак бас...

1971





Ҳавас

Баҳор осмонида чақнаса чақин
Кўксингдан отилар оловли нафас.
Эй, сен, жавон шоир, успирин оқин,
Ўтли юрагингга қилурман ҳавас.

Кўкда юлдуз эмас, у сирли қўшиқ,
Интизор йигитнинг чашмига сингган.
Муҳаббат дардига муътало ошиқ
Сенга ҳавас билан боқурман чиндан.

Беланчак бошида уйнар парча нур,
Жажжи чақалоққа бор дунё абас.
Шу парча шуълада кўрдинг не сеҳр?!
Гўдагим, мен сенга қилурман ҳавас.

Лочин юракдир – бу яшиндай шахди,
Ғаддор қояларга ургувчи қанот.
Сенга ҳавас билан боқурман, рости,
Ўлимга тик кўксин тута олган зот.

Бахтлидир, қай қалбда ёниқ нур, зиё,
Бахтлидир, қай қалбда ёниқ ҳаяжон.
Шу сабаб дастида бўлса ҳам дунё,
Ўтли ёшлигини қўмсайди инсон.

1974

* * *

Ғаним будолмасмиз иккимиз сира,
Дуст ҳам будолмасмиз балки ҳеч қачон.
Балки эмасдирсан сен ҳам бокира,
Балки эмасдирман мен ҳам покдомон.

Иккимиз учун ҳам ёлғиз шу офтоб,
Иккимиз учун ҳам ягона замин.
Мен ҳам сенинг учун битмадим китоб,
Сен ҳам шуҳратимни этмассан таъмин.

Кимга нима керак? Нечун сохта шон?
Нечун мангуликдан беҳуда талаб?
Ахир иккимиз ҳам сунг манзил томон
Кетмасмиз дунёнинг юкин орқалаб.

1974





* * *

Ҳаддим борми сизга бир сўз демакка,
Ҳатто узр айтмоққа сиғарми ҳаддим?
Сизнинг ҳуснингизга боққали якка,
Қанча савдоларни бошдан уткардим.
Сизга икки олам борича нисор,
Сиз икки оламдан баландсиз мутлақ.
Сизга фақатгина термулмоқ даркор,
Сизга фақатгина лозим сиғинмоқ.

1975

* * *

Сен борсан – мен учун бу хаёт гузал,
Сен борсан – мен учун дилбар коинот.
Сенсиз қолар эдим зулматда тугал,
Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.

Сенинг висолингда умрим яширин,
Чечаксан, мен учун асло сулмассан.
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,
Афсус, шундайлигини узинг билмассан.

1975



Ғазал

Бу ишқ сиррин китоб этдим, китобинг ичра
мен борман,
Ўқурман деб хитоб этдинг, хитобинг ичра
мен борман.

Ярашгайдир, ажаб, сенга ажаб нозу таманнолар,
Кетурман, деб шитоб этдинг, шитобинг ичра
мен борман.

74

Юзинг ҳажри билан оққан лаболаб чашм селобин –
Ичурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра
мен борман.

Умид узгил, дединг ошиқ, муҳаббат риштасин
узгум,
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен
борман.

Қаён қолди ушал сўзким муҳаббат қушкини, эй ёр,
Тузурман, деб сароб эттинг, саробинг ичра
мен борман.

Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил кулбаи
ишқни –
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра
мен борман.

Муҳаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг
қалбин,
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра
мен борман.

1977





Висол

Қора денгиз шеъри

Сира кўз унгимдан кетмас ушбу ҳол:
Қоя тепасида ёнарди ялов.
Ҳарир либосини ечди-ю, дарҳол
Денгизга ташланди бир парча олов!

Бу не қисмат эрур? Бу не фалокат?
Бундайин висолга борми ҳеч чора?
Билмай не қиларин, тўлганиб фақат,
Уҳ тортиб юборди денгиз бечора...

1978

* * *

Бунчалар камолот, айт-чи, кимда бор,
Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн.
Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор,
Бахтиёр жуфтингга муборак бўлсин.

Севганинг қалбида, билмам, қай ният,
Демасман, шаънингга шеърлар битсин деб,
Сени яратгандир асли табиат
Бир шоир ҳажрингда куйиб ўтсин деб...

1979



* * *

(Ҳазил)

Оқ қоғоз, юзингга сирим айтаман
Мени бу сафар ҳам тинглагил, дўстим.
Кеча битта узим сайр этиб чаман,
Бир гузал дилбарнинг домига тушдим.

Оқ қоғоз, оқ қоғоз, сенинг юзингда
Қанча гузалларнинг тасвирлари бор.
Аммо минг йил утиб, келиб ўзингга
Бундай гузал юзин кўрмабсан зинхор.

Турардим қошида беҳис, безабон
Андиша босарди елкамдан оғир.
Нетай шеър бағишлаб қизга уша он
Байт айтдим ўзимни туюлмай охир.

У мени тинглади мисли нилуфар,
Ақиқ лабларида тер шабнам эди.
Лекин қайриди-ю, шоир бўлсанг гар
Шеърингни қоғозга бориб айт, деди.

Оқ қоғоз, юзингга сирим айтаман
Мени бу сафар ҳам тинглагил, дўстим.
Кеча битта узим сайр этиб чаман,
Бир дилбар гузалнинг домига тушдим...

1979



Аён бўлгай

Агар ёринг хиром этса,
 Саболардан аён бўлгай,
Такаллуми чаман берган,
 Садолардан аён бўлгай.
Агар ёринг қуёш бўлса,
 Анга асло боқиб бўлмас,
Камолингми, заволинг ё –
 Самолардан аён бўлгай.
Агар ёринг ҳусн шоҳи –
 Ўтар бўлса шаҳарлардан
Гузарларда қолиб кетган
 Гадолардан аён бўлгай.
Агар ёринг жафокордир,
 Жафокор, деб, отин айтма,
Унинг асли ўзинг чеккан
 Жафолардан аён бўлгай.
Агар ёринг садоқат деб
 Сенга кунгил қуяр бўлса,
Куйиб ағёрларинг, бахти –
 Қаролардан аён бўлгай.
Агар ёринг муҳаббатни
 Ниҳон сақлар гумон этма,
У бир ганждир, бироқ ҳадди
 Адолардан аён бўлгай.
Агар ёринг бўлиб Ширин,
 Агар ўзни десанг Фарход,



Қиёсинг чин ва ё лофдир,
Вафолардан аён бўлмай.
Агар ошиқсан, Абдулла,
Қаноат қил сабр бирла,
Надур ҳолинг – сенга боққан
Балолардан аён бўлмай.

1979

Сен қайдан биласан

Сен қайдан биласан,
Балки юлдузлар
Менга сирларини суйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки бу күзлар
Унсиз бир қушиқни
Куйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки кенг олам
Шу муъжаз қалбимга
Буйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки мени ҳам
Кимдир қайдадир жим
Уйлаётгандир...

1980



Ранглар

Иринага

Қачондир Шимолнинг оппоқ қоридан,
Сени яратганди зукко табиат.
Кузинга ранг берди осмон қаъридан,
Шул сабаб мовийдир бу кузлар беҳад.
Сунбул сочларингни яратган чоғда
Заъфарон шафаққа буяб олди у.
Боқиб лабларинга ўзи ҳам доғда,
Қонталаш бир рангни бера қолди у.
Роса пардоз қилди табиат тўлиб,
То ойдин ранглари тортгунча хира.
Барча ранг устидан қурикчи қилиб
Қора Отеллони яратди сўнгра.

1981

* * *

Сенга бу дунёнинг гули, неъмат,
Сенга, эй қай бир дам яралган санъат.
Сенга ошуфта бу дилнинг рағбати,
Сенга оҳиста бу арзи муҳаббат.
Йиллар ўтиб кетмиш, қаёқда эдинг,
Қайси гулшанларда яшардинг, армон.
Хазонли бу боққа нечун ҳам кирдинг,
Нечун хаста дилга солдинг ғалаён.
Собит эсам-да, гар тополмасман эп,
Қаршимда осмонни паст қила қолдинг.
Сен утган дунёга қайдан йул топиб,
Кечмиш бир инсонга қасд қила қолдинг.

1982





Тўртликлар

* * *

Самода юрибди хануз ёлғиз ой,
Танҳолик қийнайди уни ҳойнаҳой.
Йўқликдан ахтардим сенинг васлингни,
Ким қайга сизинса, Каъба ўша жой.

1983

* * *

Раво кўр, юзингда бир хол бўлайин,
Кўрсат ағёрингни, завол бўлайин.
Каттакон тўй қилиб ноғора чалгин,
Тўйингда сув ташиб ҳаммол бўлайин.

1984

* * *

Офтоб ботиб кетди, эгилди бошим,
Юлдуздек сочилди кўзимдан ёшим.
Ҳажрингда бағримни ерга берурман,
Тун бир лаҳад булса, ой қабр тошим.

1984

* * *

Оҳ, утган у кунлар қайтмагай зинҳор,
Учган муҳаббатнинг ёнмоғи душвор.
Нигоҳинг қадама қарогимга сен,
Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор.

1984

* * *

Тақдир йўригидан розиман минг бор,
Менга дуч айлади сени эй, нигор.
Кўзингда поёнсиз умримни кўрдим,
Сенсиз бир лаҳзанинг ўтмоғи душвор.

1987

* * *

Булбул ўғай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўғайдир тоғлар орасида,
Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўғай булсак не тонг, соғлар орасида.

1971





* * *

Ошиқни тасвирлай дегандим бирров,
Бехуда ишни қўй дедилар дарров.
Уйқуда сўзлаган кимсадек ошиқ –
На узи тушунгай, на уни биров.

1975

* * *

Шунчалар гузалсан, гузалсан санам,
Таърифнинг битмоққа ожиздир қалам,
Бир йигит умрини обод этардинг,
Ақл ҳам берганда фалак бокарам...

1986

* * *

Ачинма шоирга хорлиги учун,
Ёки парча нонга зорлиги учун.
Билиб қўй, аслида яшайди шоир
Дунёда муҳаббат борлиги учун.

1994

Тулин ой

Кексайган хилолим, эй сен, тулин ой
То хануз бузурсан халоватимни.
Ёдимга солурсан энди, хойнахой,
Сочлари оқарган муҳаббатимни.
Йилларим кечдилар елдишим мисол,
Ғунчалар бағрига хаёлдай индим.
Энди-чи, толиқиб, ҳорғин ва беҳол,
Ғорларга бекинган шамолдай тиндим.
Билмадим, қайдадир ётар сарғайиб,
Оташин ҳисларим уралган дафтар.
Қайсидир гушада булмишдир гойиб,
Бир замон қулимдан учган у каптар.
Энди висол ўзга, ўзгалар фирок.
Тулин ой, утинчим ёдингда туггин.
Бизнинг томонларга йўлинг тушган чоғ
Менинг кулбамга ҳам муралаб ўтгин.

1986



Кўнгил

Мендан кўнгил уз дейсан,
Қандоқ қилиб узурман.
Сендан кўнгил узган чоғ,
Хазон каби тузурман.
Тош каби ё кучгайман,
Тоғларимни айлаб тарк,
Қуш каби ё учгайман,
Боғларимни айлаб тарк.
Ё денгизсиз қайиқдай
Қолиб кетгум узлатда,
Карвонидан адашган
Кимса каби қулфатда.
Ё ут тушган дарахтдай
Ич-ичимдан ёнгайман,
Сен бўлмасанг, муҳаббат
Каъбасидан тонгайман.
Мендан кўнгил уз дейсан
Қандоқ қилиб узурман,
Қандоқ қилиб бу кўнгил
Иморатин бузурман.
Ўзинга ҳам, азизим,
Раҳм этсанг-чи бир қадар,
Не бўлурун билмассан,
Сендан кўнгил узсам гар.
Уйлайсанки, бир тараф
Омон қолур, соғ қолур.
Узилган ул жойда ҳам
чандиқ қолур, доғ қолур...

Сизни учратгунча

Қай фурсат мен сизни кўрдим баногоҳ,
Энди зарра ҳижрон дилимни ғашлар.
Бунча ярашмаса ўзингизга, оҳ,
Мунис табассуму маъюс қарашлар.

Ҳеч кимни ҳайратга солмас ҳеч қачон,
Менинг ёнингизда йўғим ё борим.
Ё фалак, шунча йил кезибман сарсон
Сизни учратгунча, эрка дилбарим...

1986



Нома

Биз томонга, эй, нигоро, не бало, бир келмадинг,
Кузларимга булди дунё тим қаро, бир келмадинг.

Кипригинг уқ, тийғи лашкар, шул сабаб садпора
дил,
Устига устак яралди минг яро, бир келмадинг.

Менга-ку лутф айламабсан, ўзгалар ҳам ноумид,
Аҳли ағёр ҳам бўлибдир, бас, адо, бир келмадинг.

Субҳидамда учди оҳим кавкабистонга қадар,
Келди-ю тубсиз фалаклардан садо, бир келмадинг.

Сен назар солган чечаклардан ари бол эмса гар,
Айлар эдим қузга гардин тўтиё, бир келмадинг.

Боғларимда саъва хомуш, қумрилар ҳам гангу лол,
Гуфтиғуни ўргатурга сен – гүё, бир келмадинг.

Бағритошсан, хаста айлаб, ҳам йироқ кетдинг
нечун,
Тибда дерлар, гоҳи дардга тош даво, бир
келмадинг.

Сенга турфа шеър битибман, йул қарар
Абдулламан,
Яхшиямки, нома бордир ишқ аро, бир келмадинг.

1987

* * *

Иирок бул ҳасратдан, мунгдан, кўз ёшдан,
Шаънингга отилган таънадан, тошдан.

Мағрур турсанг агар, мағрур дегайлар,
Мутелик изларлар феъли ёввошдан.

Юпанч тополдингми, дунёга келиб,
Устоз ё шогирддан ёки тенгдошдан.

Қашқир тудасида қолган бир отсан,
Туёгинг синмаса басдир, бардошдан.

Фақат муҳаббатга топингил, эй қалб,
Сен меҳр кўргайсан ўшал кўёшдан.

Ахир боболар ҳам демишлар қадим:
Муҳаббат яратган дунёни бошдан.

1987





* * *

Баҳор келаётир,
Тоza, мусаффо.
Мовий кенгликларда уйнайди шамол,
Даралар қуйнида зангор бир ҳаво,
Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.

Қоялар қўксида шодмон, беқайғу
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор – энг покиза шаббодадур бу,
Баҳор – энг тоза бир шамолдир демак.

Кенгликлар бағрига ураман ўзни,
Қўзимга қўрингай дилбар диёрим.
Гўдак нафасидек юпатар юзни
Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.

Баҳор-қу ўтади шамолдек шитоб,
Майли ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин.

1987

* * *

Гар муҳаббатнинг ҳаётда турфа хил бозори бор,
Ошиқ аҳлин лек муҳаббатга етишмай зори бор.

Узма кўнгил гарчи ҳижрон хор этар бир зум сени,
Гул тиконсиз бўлмагай, ҳар бир чаманнинг хори
бор.

Муз каби теккай дилинга гар жафо этса санам,
Яшнагай водий уза билки булутнинг қори бор.

Ошиқ аҳли ичра ўзни доимо мардона тут,
Ишқига восил бўлур қайда йигитнинг нори бор.

Айб эмасдир гар муҳаббат шаънига айтсанг
қушиқ,
Бахтлидир, кимнинг муҳаббатга сазовор ёри бор...

1987



Малак

Нечун угирладинг ую фикримни,
Нечун хаёлимни айладинг сарсон.
Энди мен билмасман борар еримни,
Энди туйғуларим қолди саргардон.

Сени кўргандайман тушимда фақат,
Учиб ўтгандайсан мисоли юлдуз.
Самовий мўъжиза, илоҳий талъат,
Тенги йўқ бир малак, қошлари қундуз.

Насиб этармикан бирор кун висол,
Насиб этармикан тутмоқ кўлингни.
Ва ё ношуд қолган мунажжим мисол,
Пойлаб утарманми қайтар йўлингни...

1988

Гузалликни йўқлаш

Юзларингда ажин, сочларингда ок,
Елкангдан юк бўлиб босибди йиллар.
Қуралай кўзларда тубсиз бир чарчок,
Бекор гап, ким деса: ёшдир кўнгиллар.
Бир вақтлар номингни эшитган заҳот
Ёнардик ут кетган каби туқайга.
О, ҳиссиз табиат, шафқатсиз ҳаёт,
Шундай гузалликни бекитдинг қайга?

1988



Рубоийлар

(Махсатий Ганжавийдан)

* * *

Эй ҳусни шафтоли гулидай жонон,
Дудоғингнинг атри дардларга дармон.
Жонон бисотида бир боғча бордир,
Шафтолусин тотиб кўрсайдим бир он.

* * *

Аччиқланма, деди, эй ёр, бу кеча,
Тингла насиҳатни, дилдор, бу кеча.
Очарман қўйнимни сенга, сабр айла,
Қасосга шайланма зинҳор, бу кеча.

* * *

Бир бўса бер менга қанд лабларингдан,
Бир эмас, икки, уч, турт, бешни бер сан.
Олти, етти, саккиз, тўққиз бўса бер,
Сўнг эса ўн бўса лутф айла бирдан.

* * *

Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир,
Орзум истагингдир, бу сўзим ҳақдир.
Қароримни олди сифоришларинг,
Сабр деганлари мендан узоқдир.

Бу йўллар

Бу йўллар хаёлдек билмас интиҳо,
Шошилар ўзининг манзилотига.
Бу йўллар элтади на Макка, на ё
Бирлашган Миллатлар Ташкилотига.

Бу йўллар дунёни тинмай айланиб,
Интилар сирли бир кунгил қулфига.
Ахийри тасмадек қолар бойланиб
Сенингдек гузалнинг қора зулфига.

1988





Юрагимнинг тубида бир ном

Юрагимнинг тубида бир ном,
Такрорлайман уни оҳиста:
Ниятингга етиб юр мудом,
Кўз тегмасин сенга, Шоҳиста.

Мен шоирман, фориғ қил айбдан,
Баён этсам кўнгил майлини.
Ажаб эмас, Алишер гайбдан
Кўрган бўлса сенда Лайлини.

Исмин ёзса чақнасин қалам,
Босган изинг гулларга тўлсин.
Сенингдайин парируй санам
Бир Мажнунга муборак бўлсин.

Юрагимнинг тубида бир ном,
Такрорлайман уни оҳиста.
Ниятингга етиб юр мудом,
Кўз тегмасин сенга, Шоҳиста.

1990

Лайли ва Мажнун

Ҳар кимга ҳамроҳдир ҳамиша қисмат,
Кимдир бошин эгар, ким куксин кергай.
Расудуллоҳ демиш: – Аллоҳдан фақат
Ким нима сураса, ушани бергай.

Оёқ-қўлин боғлаб Лайлини бир кун
Олиб келишдилар Каъбага томон.
Лайли хитоб қилди: – Тавба, не учун,
Мажнуним бўлмаса тийрадир жаҳон.

Ибодат Мажнуннинг навбати эди,
У ҳам ошкор этди кўнгил майлини.
Каъбага бош уриб тураркан, деди:
“Мен сендан сурайман фақат Лайлини”.

1992





Муҳаббат

Ҳар мўмин дилида бир орзу фақат,
Ҳар дамда ўйида Маҳшарнинг куни.
Аллоҳ гуноҳларин қилиб мағфират,
Зора ноил этса жаннатга уни.

Тунлари мени ҳам чулғайди хаёл,
Ўзинг ёрлақагин мени ҳам, ё Рабб.
Сенинг васлинг гарчи энг олий висол,
Раҳм этгил ва лекин ҳолимга қараб.

Менинг ҳам тилагим ол инобатга,
Қовуштир орзулар олами билан.
Расулulloҳ демиш: “Киши жаннатга
Киргайдир севикли одами билан”.

1992

Абдулла Қодирийнинг сўнги сабоғи

Бирингиз Отабек, бирингиз Кумуш,
Доим яшнаб турсин севгингиз боғи.
Ҳақиқий муҳаббат билмасин сўлиш,
Устоз Қодирийнинг бу илк сабоғи.

Адиб юрағида амаллар қат-қат,
Лекин биттаси бор, учмасдир доғи:
Жонни тик озодлик йулида фақат,
Бу эса устознинг сўнги сабоғи.

1994





Мен фақат...

Мен фақат Сен учун яшадим десам,
Бир оз лоф буларди ва бир оз ёлгон.
Гоҳи босганида туфон каби ғам,
Кўзимга кўрингай ўзимдаги жон.

Сенсиз ҳам яшадим десам мен ағар,
Десамки, сенсиз ҳам танамда бор жон.
Ишонгил, бу гапим баридан баттар,
Ёлгон булар эди, тамоман ёлгон..

2000

Севишганлар

Хиёбонда кезар икки ёш ҳабаш,
Йигит пачоқ бурун, лаблари дурдоқ.
Ёнида нозланар маъшуқа – маҳваш,
Оёқлари қийшиқ, тишлари суйлоқ.
Дунёда хунукни изласанг агар
Булардан ортигин топмоғинг гумон.
Йигит севгилисин қучиб авайлар,
Қиз ҳам ошиғига боқар нигорон.
Ушбу манзарага боқдим, гўё
Бирдан қулаб тушди аршидан азал.
Қани у лайливаш – сарвиноз барно,
Қани у эр йигит – етук, мукаммал.
Демишлар, нисбийдир ҳар қандайин ҳол,
Ҳар ким ўз севгиси учун сурингай.
Анов икковлонга, балки, эҳтимол,
Қолганлар беухшов бўлиб қурингай.

2001



* * *

Р. Бобожонга

Муҳаббат хиссини асрамоқ учун
Иморат шарт эмас, макон шарт эмас.
Синамоқ булсанг гар муҳаббат кучин
Вақт-соат шарт эмас, замон шарт эмас.

Утли муҳаббатни куйлабсиз тулиб,
Бир Лайли ёдининг Мажнуни бўлиб.
Уни ҳеч битта куч ололмас юлиб,
Ҳатто, таърифлашга забон шарт эмас.

2002

Булдило

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,
Деди: У гулларинг пайҳон булдило.
Дедим? Тик қилсанг-чи қаддимни, даврон,
Деди: У тоғларинг сайҳон булдило.

Фалакка етмади чеккан унларим,
Тийра кундузларим, қора тунларим.
Бахтиёр, беармон кечган кунларим
Энди тутқич бермас жайрон булдило.

Йиллар жароҳатин борми давоси,
Бормикан Луқмони, борми Синоси.
Муҳаббат мулкининг нозик биноси
Ҳижрон сели ила вайрон булдило.

Бахтга зор булсам-да куйладим бахтни,
Саробга термилиб, бой бердим нақдни.
Гоҳида сомондек совурдим вақтни,
Курганлар тамоми ҳайрон булдило.

Сув излаб, қумларга дуч келдим баъзан,
Мадад беролмадим дўстга дафъатан.
Ёвларим қуршади мисоли тикан,
Не-не орзуларим армон булдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,
Гоҳида шошилдим, шошилтирдим гоҳ.
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон булдило.

2002



Ўғит

Мана, ўтиб олдинг асалоидан,
Энди сув ичгайсан турмуш сойидан.
Етти ўлчаб бир кес, етмиш ўлчаб кес,
Лекин кес, Ёшулли айтган жойидан.

2002

Жаннат

Кўзларинг тубидан топдим мен макон,
Киприкларинг бўлди панжарасимон.
Бул ажиб жаннатга ноил бўлганнинг
Ҳаққига лабларинг ўқирди Қуръон.

2002

Меҳр

Майли, гўзалликка битайлик дoston,
Майли, муҳаббатга фидо бўлсин жон.
Лекин жиндек меҳр кўргазса ёринг,
Уларнинг баридан афзалдир, ишон!

2003

Тавба

Балки булолмадим Сизга муносиб,
Буни кеч билганим учун ҳам тавба.
Сизга шеърлар битиб, мактублар ёзиб,
Безовта қилганим учун ҳам тавба.

Дунёда бормикан Сиздек жафокор,
Сиздек меҳри тансиқ, парвосиз дилдор.
Вафо деган сўзни бекордан-бекор
Қулоққа илганим учун ҳам тавба.

Ахир юрмасмидим мен ҳам шўх, шодон,
Сизнинг борлигингиз билмасдан, хандон.
Сизни деб шунча йил саргашта-сарсон
Бағримни тилганим учун ҳам тавба.

2004





Мулк

Сен мени кечиргин гапларим учун,
Ўринсиз сузларим учун кечиргин.
Сенинг юзларингга боқиб туну кун
Туймаган кузларим учун кечиргин.

Фикринг меникидир, зикринг меники,
Менга тааллуқли гузаллигинг ҳам.
Қолган барча мулкинг, майли, сеники,
Айт-чи, нима қолди ўзингга, эркам.

2008

Менга хушхабар айт...

Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам...
Дарду машаққатлар утгайдир бари,
Ўксима, оёққа тургайсан, деб айт.
Умрингни фараҳбахш, тотли онлари
Ҳали олдиндадир, кўргайсан деб айт.

Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам...
Дўстларинг бордир-ку ҳали дунёда,
Сени кулфатларда қолдирмас деб айт.
Ёвузлик бўлса ҳам ҳаддан зиёда
Сени чангалига олдирмас, деб айт.

Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам...
Олис муҳаббатинг сунмаган ҳамон,
То хануз унутмай юрибди дегил.
Сарғайган дафтارين варақлаб пинҳон,
У сени тушида кўрибди дегил.

Менга хушхабар айт, ёлғон бўлса ҳам...

2008





Хабар

Турфа хабарларни тинглаймиз ҳар кун,
Қайдадир тошқину, қайдадир бўрон.
Хабарларга тула бу олам бутун,
Хабарларга тула ҳар лаҳза, ҳар он.

Дайди шамолнинг ҳам муждаси бордир,
Кабутарлар берар покликдан хабар.
Телефонлар эса доим бедордир,
Хабар тарқатади то тонгга қадар.

Олис қитъалардан хабарлар келар,
Келар согинч саси, ғазаб ё алам.
Учқур ракеталар фазода елар,
Келади уларнинг хабарлари ҳам.

Хабар кутиб ўтар кунларим секин,
Хабарлар тўхтамас, бундан кўнглим тўқ.
Биз битта шаҳарда яшаймиз, лекин,
Сендан хабар йўқдир, сендан хабар йўқ....

2010

Малак

Ғоят ажиб оҳангларга туликдир дунё,
Ғоят гузал хонишлар бор, қузғатар ҳавас.
Барчасини ҳузур билан тингладим, аммо,
Биттаси ҳам сүзинг каби мароқли эмас.

Кездим санъат кошонаси Луврни узоқ,
“Моно Лиза”, ҳеч шубҳасиз, маъқулдир менга.
Бунақаси ер юзида кам эрур, бироқ,
Худо ҳаққи, биттаси ҳам тенг келмас сенга.

Мен сүз топиб беролмасман таърифингга мос,
Маъзур тутгил, нуноқлигим келмасин малол.
Сендайин бир малакнинг-ку танҳолиги рост,
Мен каби бир ошуфта ҳам йуқдир, эҳтимол.

2010





Бегона

Кучангдан адашиб ўтсам ногаҳон,
Менга ганим каби ёвқараш қилма.
Майли сийламагил мисоли меҳмон,
Майли гап қотмагил, назарга илма.

Сен учун на япроқ ва на томирман,
Янгилик эмасдир ахир бундай хол.
Ахир мен адашиб ёққан ёмғирман,
Ахир мен адашиб эсан бир шамол.

Кимдир шерик бўлса гар ҳаётингга,
Унинг баҳосини бергайсан шул дам.
Ноил бўлолмадим илтифотингга,
Мен лойиқ эмасман нафратингга ҳам.

Қалбинг дарвозаси берқдир мен учун,
Унинг калити бор сенда ягона.
Кучангдан адашиб ўтдим, сен тушун,
Кучангдан адашиб ўтди бегона.

2010

Уйғунлик

(“Ранглар ва оҳанглар” туркумидан)

Олам уйғунликдан иборат асли,
Бўшлиқ деганлари йўқдир мутлақо,
Маконни нимадир тўлғизиб турар.

Сувсиз идишда ҳам зангор ҳаво бор,
Қоп-қора коинот қаърида эса
Вақт яшар, жисмсиз руҳлар кезади.

Бироқ ҳар маъвога муносиб ва хос
Ярашиқ ашёлар бўлмоғи шартдир,
Қорни тўқ кимсага таом нодаркор.

Уйқу оромини шовқинлар бузар,
Фақат висол керак бедор ошиққа,
Марҳумларга эса сокин қабристон.

Чиндан уйғун бўлиб яралган олам,
Безовта қиламиз уни кўпинча
Кулғили, ноурин ташвишлар билан.

Гуё кошонада наҳс меҳмон бўлиб,
Масжидга ювиқсиз одам киргандай,
Навбат кутган каби туя ҳаммомда.

Токи ҳар зарранинг номи мавжуддир,
Унинг аксин демоқ зарурми, ахир?!
Одамзод чарчаган сохталиклардан.





Буюк истисно бор дунёда бироқ,
Бунёд этиб булмас уни қул билан
Муҳаббат дейдилар уни, Муҳаббат.

Қайдан келганини билмайди биров,
Ҳар нечук қуёшнинг нурлари мисол,
Ҳаммага баробар, барча учун тенг.

Фақат у туфайли қоришиқ хилқат
Яшнаб кўринади кўзларимизга,
Зулмат бамисоли йўқолган, абас.

Ёринг ҳам эҳтимол ҳусну чиройда
Ягона эмасдир, эмасдир танҳо.
Сенинг наздингда-чи, тенгсиз, беназир.

Муҳаббат шундайин сирли кудратким,
Тоғлардан буюгу гуллардан нозик,
Унинг қадри ҳатто жондан азизроқ.

Қошида шам каби ваҳший қоялар,
Денгиз тўфонлари ғужум ҳарирдек.
Муҳаббатнинг шундоқ синоати бор.

У боис сен учун суюкли башар,
Ўзалдир, хунукдир – барча-барчаси
Яқинроқ туюлгай қариндошингдан.

У боис сен учун бетимсол миллат,
У боис сен учун тилинг ҳам тансиқ,
У боис сен учун муқаддас Ватан!

2012

Кезиб оламни харчанд
Сен каби ёрни тополмасман,
Дилимни англагучи ўзга
Дилдорни тополмасман.

Нетайким, хар тарафдан ёгилур
Ғам ўқлари менга,
Лекин маҳв этгали зулфингдайин
Дорни тополмасман.

Демишлар, хур, малаклар куп,
Ниҳондир, кўзга ташланмас.
Бу не сирдур, башардурсан, вале
Борни тополмасман.

Мукамал суратинга жо бўлибди
Сийратинг, эй ёр.
Муаллиф қайдадир, ким ул?
У меъморни тополмасман.

Жунун водийсида сарсон
Мисоли Шайх Санъонман,
Қулимда тасбеҳ-у гоҳида
Зуннорни тополмасман.

Висолинг васфидан ортиқ
Ўзал шеърү ғазал бўлмас,



Тавоф айлай десам
Хофизу Агторни тополмасман.

Муҳаббат мулкида бир қул
Каби Абдулламан, билгил,
Тагин айтгум, сенингдек ёр,
Дилдорни тополмасман.

2012

Ғунча

Муҳаббат роҳига кирдим,
Бу йўлдан қайта билмасман.
Муҳаббатсиз ҳалойиққа
Боқиб парво ҳам қилмасман.
Лекин сен ғунчадекдурсан,
Очилгайсан атир пуркаб,
Шу боис қурқадирман,
Сенга сиррим айта билмасман.

2013



Европа

Муҳаббат аталмиш бир ҳис бор эди,
Уни деб қавмлар бир-бирин еган.
Жульетта исми бир қиз бор эди,
Бир йигит бор эди Ромео деган.

Бор эди муҳаббат аталмиш кўрган,
Учиб киролмасди чивин ҳам ҳатто,
Совғасин Ягонинг қўлида кўрган,
Буғиб қуя қолган жуфтин Отелло.

Энди бу юртларда дунё тескари,
Муҳаббат ҳислари бадар кетганлар.
Жаннатни мадҳ этиб юрганлар бари
Жаҳаннам комига бориб етганлар.

Хўроз хўроз билан утказса туйин,
Буқалар буқа деб ипини узса.
Бу қандай томоша, бу қандай уйин,
Сигирлар сигирга кўзини сузса.

Инсон муқаррамдир, унутма асло,
Шайнига ёмон гап тўқима, болам.
Бу шеърни бир ўзинг ўқидинг, аммо
Ўқима бировга, ўқима болам.

2013





Муҳаббат

Турфа мўъжизага бойдир бу дунё,
Еру осмон тула камалақдек ранг.
Лекин қуз ўнгимдан кетмайди асло,
Бир сенинг қиёфанг, бир сенинг чеҳранг.

Дунёда оз эмас соҳибжамол ҳам,
Дуч келсанг ногаҳон титрайди юрак.
Барибир, мен сени қўмсайман, эркам,
Муҳаббат дегани шу бўлса керак.

2013

* * *

Сени кўрай дедим — тонгларим отди,
Оразинг ёришиб, тунни йўқотди.
Лекин қора сочинг юзингга тушгач,
Яна тун бошланди, қуёш ҳам ботди.

2013

Сафар

Олиб кетмасмидим сафарга сени
Заррача имконим бўлса агарда.
Бир сен кузатмадинг вокзалда мени,
Кетмагандек бўлдим мен ҳам сафарга.

Қайтдим соғинч билан йўл босиб оғир,
Яна фақат сени изладим, эркам.
Бир сен чиқмагандинг вокзалга ахир,
Қайтмагандек эдим сафардан мен ҳам.

2014



Унуттиш

Унут баҳорларни, қишларни унут,
Унут осмонларнинг зангор қуйлагин.
Юлдузларни унут, қушларни унут,
Уларни кўрмадим дея уйлагин.

Дунёда жамики мавжуд нарсани
Яралмаган дегин, йўқ деб бил, эркам.
Ҳайратга солурсан шунда барчани,
Шунда унутарсан балки мени ҳам.

2014

Малак

Менга барибирдир энди кўп ҳолат,
Майли сен қадримга етгин ё етма.
Бегона одамдек қарама фақат,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Гузал ёшлигининг менман гувоҳи,
У ёруғ кунларни фаромуш этма.
Ахир шайдоликнинг йуқдир гуноҳи,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Дуосиз юрма ҳеч, ёмон кўзлар бор,
Чаманлар турфадир, қоқилиб нетма.
Ерга куникмаган малаксан, дилдор,
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

2014





Вафо

“Менга вафо қилмагач санам
Хотинларга хурматим нечун?”
Шу байтларни ёзаётган дам
Осонмиди Лермонтов учун.

Энди мистга айланган олтин,
Вафо сўзин англашар аранг.
Лермонтовни айблашдан олдин,
Ҳаётга ҳам қайрилиб қаранг.

2015

Ҳаётга қайтиш

Ёнимда айтмагин бахт деган сўзни,
Танимда ногаҳон титроқ бошланар.
Тутиб туролмайман асло ўзимни,
Юрагим зуриқиб, кўзим ёшланар.

Ахир мен умримни ишониб роса
Ўша бахт йўлида сарфлаганим рост.
Ўтди у давронлар, ўрнида эса
Бир уюм ваъдалар қолдилар, холос.

Агар булсанг менга чиндан хайрихоҳ,
Дўст деган сўзни ҳам қилмагин такрор.
Кўксимдан вулқондек кутарилар оҳ,
Инсонни дўсти ҳам айлар экан хор.

Қоронғу тунларда кутариб машъал,
Дўст дея ўзимни урдим кулфатга.
Уларчи, бир куни топиб куч, амал,
Ўзимни отдилар ўша зулматга.

Муҳаббат қанчалар сеҳрли калом,
Рухинга суйанчиқ, тоза, бокира.
Мен-чи, унутганман уни батамом,
Бул ажиб сўзни ҳам эслатма сира.

Муҳаббат деганда кўзимга энди,
Жафо кўринади, вафо кўринмас.
Дилдаги оловли ҳислар ҳам тинди,
У ёруғ хаёллар барҳам топган, бас.

Дейман, аданмасин ҳаётда инсон,
Саволи қолмасин зинҳор бежавоб.
Саробга айланса агарда армон,
Ҳатто бор нарса ҳам қўрингай хароб.

Лекин ишонаман, тоғлар юксалиб,
Дарёлар гувиллар мен учун яна.
Тагин ҳаёт қайтар гулдурос солиб,
Яна севги қалбда қилгай тантана.

2015



Туш

Олисдасан заминдан – ердан,
Етолмайди бирорта чақин.
Яқин бўлиб қоласан бирдан,
Миллиметр. Ундан ҳам яқин.

Олам бунча муаттардир, оҳ,
Буйларингдан буламан сархуш.
Қуз очаман уйқудан ногоҳ,
Кутарилар орамиздан туш.

2015



Агар сенсиз...

Куёш чиқиб чарақлайди тенгсиз бу олам,
Қушлар сайрар, эсар тонгнинг шамоллари ҳам.
Бамисоли қайта бошдан туғилгай одам,
Агар сенсиз утар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Ой балқади, биллур кўкни шуълага чайқаб,
Ол шафакни симиради булутлар чанқаб.
Юлдузлар ҳам рақсга тушар, ненидир пайқаб,
Агар сенсиз утар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Битта сен, деб бу дунёда юрган мен ўзим,
Гардларингни тутиёлар айлагай кўзим.
Исминг айтсам, садоларга тулади сўзим,
Агар сенсиз утар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Мен ошиқман, меҳр кўрғаз, назарга илгил,
Сендан ўзга қиблам йўқдир оламда, билгил.
Азал касбинг раҳмдилсан, раҳмлар қилгил,
Агар сенсиз утар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Умид ёрким, фақат сенсан ой ва куёшим,
Маҳшаргача тик боқолмас, эгилган бошим.
Сақлан, жоним, то тутмасин кўздаги ёшим,

Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Фалакларнинг саломига чиққин сен кулиб,
Баҳра олсин замин, осмон шавқларга тўлиб.
Остонамда турибман мен, Абдулло бўлиб,
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

АҚШ. Хьюстон. 2015 йил



Дилдаги оҳим менинг...

Муҳаббат ниҳоятда қўламли, қўп қиррали ва мураккаб тушунча. Ватанга, дўстларга, оилага, фарзандларга, бирон соҳага, адабиёт ва санъатга, табиатга муҳаббат, инсоннинг инсонга муҳаббати. Муҳаббат – ўтли бир дард. У инсонни маънавий юксакликка ундайди, унга рухий қанот бўлади. Ҳаётда юрагига севги учқуни тушмаган одам камдан-кам учрайди. Бироқ бу учқун ҳамманинг ҳам юрагида оташин чўғ бўлиб ёнавермайди. Қўпинча майл, хушторлик даражасида қолиб кетиши ҳам мумкин. Рухий ҳарорати юксак, маънавий-рухий олами бой одамларгина бу дард билан қаттиқ «бетоб» бўладилар. Унга мубтало бўлганлар қўпчиликнинг назарида бирмунча ғалатироқ ҳам туюлиши мумкин. Сиртдан жўялидек бўлиб кўринган бу алдамчи тасаввур воситасида Абдулла Орипов ўзининг бир тўртлигида муҳаббатнинг мазмун-моҳиятини қуйидагича ифодалайди:

Булбул ўгай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида,
Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўгай бўлсак не тонг, соғлар орасида.

Модомики, неча асрлардан бери бетакрор нафис овози, чаманларга зеб берганлиги боис тилдан тушмай келаётган булбул зоғга, замин, ҳаво, офтоб

нури билан биргаликда бутун табиатнинг, мавжудотнинг ҳаёт томирларига обиҳаёт элтаётган, жон бағишляётган зилол сув яйдоқ тошларга зид қўйляётган экан, бинобарин «соғлар» эмас, балки муҳаббат дардига йўлиққан «бемор»лар эъзозга лойиқ. Чунки тошюрак вужуд билан маънавият, эзгулик иморатини тиклаб бўлмайди.

Инсон севгини танламайди, севги инсонни танлайди. Бу туйғу ҳеч бир далил-исбот билан ҳисоблашмайди. Халқ бежиз: «ишқ ўти тушса юракка, дузах ўтидан ёмон», демайди. Одамнинг вазифаси, миллати, ташқи кўриниши, ёши, оилавий аҳволи – буларнинг бари билан севгининг заррача иши йўқ.

Ишқ-муҳаббат мавзуи санъат, бадий адабиётнинг асосий мавзуларидан биридир. Антик дунё адабиётидан бошлаб то ҳозирги давргача муҳаббат мавзусида қанчадан-қанча асарлар битилган. Бироқ татар шоири Ҳоди Тоқтош «муҳаббат ул ўзи эски нарса, бироқ ҳар бир юрак уни янгилайди», деб топиб айтганидек, нафақат бутун-бутун даврлар, балки севгувчи ҳар бир қалб ҳам ушбу туйғунинг қандайдир янги жиҳатларини кашф этгандек, унга ўздан ниманидир қўшгандек бўлади. Бу ўзгаришлар бадий ижодда ҳам ўз аксини топмоғи зарур албатта. Бироқ сўз санъатининг шунча кенг уммонида юксак маънавият учун хизмат қиладиган, китобхонларнинг доимий ҳамроҳига, бадий адабиётнинг етук намунасига айланган сара асарлар унчалик ҳам кўп эмас. Чунки хоҳ шеърда, хоҳ насрда бўлсин кўҳна туйғунинг янги қирраларини ўзига хос тарзда очиб берадиган умрбоқий асарлар яратиш ҳар қандай ижодкорга ҳам муяссар бўлавермайди.

XX аср ўзбек адабиётида, хусусан, шеърятимизда бу мавзуда талай баркамол асарлар яратил-



ди. Бунда, энг аввало, Чулпон, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир, Эркин Воҳидов, Рауф Парфининг гўзал сатрлари ёдга тушади.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси мана шу сафда ўзининг муносиб ўрнига эга. Шоир поэзиясининг катта қисмини муҳаббат мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Шоир ижоди ҳақида куплаб фикрлар билдирилган. Бироқ унинг муҳаббат лирикаси тадқиқотчилар томонидан деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки шоир шеърятини мавжланиб оқаятган улкан дарёга, унинг асосий йўналишларини бу суз уммонига қуйилаётган ирмоқларга қиёслайдиган бўлсак, бу ирмоқлардан бирининг номи Ўзбекистон, Ватан, миллий уйғонишга даъват, истиқлол ўйлари, иккинчисининг номи ҳаёт, инсон ҳақидаги образли фалсафий мулоҳазалар ва ниҳоят учинчисининг номи севги ҳақидаги оташин сўзидир. Шуниси эътиборлики, бу уч йўналиш шоирнинг илк ижодидаёқ баравар намоён бўла бошлади. Шу ўринда 1962 йилда битилган «Куз ҳаёллари», 1963 йилда ёзилган «Сен баҳорни соғинамадингми», 1964 йилда эълон қилинган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеърларини эслаш мумкин.

Шоир ўз ижод йўли ҳақидаги мухтасар битикларида: «Мен нимаики ёзган бўлсам бевосита ҳаётдан таъсирланиб, ўзим ҳис қилган гуйғуларни қоғозга туширганман» дейди. Бу гаплар бежиз айтилмаганлигига шоирнинг муҳаббат лирикаси ҳам тўла-тўқис далилдир.

Абдулла Ориповнинг ногаҳонда юлдуздек ярқираб, туйқусдан ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратган бутун ижодида муҳаббат лирикаси ҳам ўзига хослиги, теранлиги, туйғуларнинг табиийлиги, ҳаётийлиги, реал воқеликка монандлиги билан

шеърят аҳлининг қайноқ муҳаббатига сазовор бўлди. Шоир шеърларида ҳақиқий, чинакам севги орзуманди бўлган катта қалб эгасининг дарду дунёси, ҳасратлари, ёниш-ўртанишлари, изтироблари бутун табиийлиги билан намоён бўлади.

Шоирнинг 1963 йилда ёзилган «Сен баҳорни соғинмадингми?» шеърда ҳали муҳаббат ғавғола-рига, қизларнинг «қўлидаги қонли ханжарларга», «ўзини минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга солган, тирноқлар безаги саҳардан шомгача» эрмаги бўлган таннозларнинг макру хийлаларига рупара бўлмаган, севгида хиёнат қилишнинг азобини тортмаган, ишқ касридан «ҳоли забун», «толеи тола-тола» бўлмаган, пок севги соғинчи, интизорлиги билан тўлиқ ёш қалбнинг баҳор насимдек ҳаётбахш, тоғ булоқларидек мусаффо туйғу-лари тараннум этилади.

«Эслаш», «Деразангни қоплар оқшом зулмат-ти...», «Чувалади уйларим сенсиз», «Хайр энди...», «Йўлим бошлар...», «Ёндиму ва лекин хижрон тунида...», «Ёмғирли кун эди...», «Қўйгил, у кунларни эслатма менга», «Севги ўлими» каби ўнлаб шеърларни кўнгилхушлиқдан бутунлай бегона чинакам ишқнинг дардчил талқини, ошиқ қалб ўртанишларининг кутаринки, юксак пардаларда ифодаланган оҳи, нидоси дейиш мумкин.

«Йўлим бошлар, кетарман бир кун...» деб бошланадиган шеърда муҳаббат изтиробини, қийноқли севги «ёрилмаган ярадай севги» деган ўхшатиш воситасида таърифланади. Кечагина бир тан, бир вужуд бўлган икки инсоннинг ҳаёт йўллари қарама-қарши қутблар томон ажралиб кетмоқда. Улар энди бехосдан учрашиб қолсалар ҳам ўзларини мутлақо бегона одамлардек тутишга маҳқум. Ёрилмаган яра қанчалик азоб бергани сингари,

бир қарорга келинмаган севги ҳам шунча азобли, қийноқли. Бироқ бир томон бир қарорга келганда ҳам иккинчи қалбда қолган жароҳат изи, изтироб и ёрилмаган ярадан ҳам баттар оғриқли. Ўтмишга айланаётган масъуд дамларни унутиш эса мушкул. Шеърда ана шу инсоний дард, фожеий лирик хусусият табиий ёритилади:

Кучаларда ёр эмас энди
Туқнашамиз бегона бўлиб.
Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг
Наҳот бўлмас бирор хотирот?
Ишонмайман, муҳаббатдан сунг
Бегоналик бошланса наҳот?!

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги бир қанча шеърларида азалий туйғунинг мана шундай зиддиятли, мураккаб жиҳатлари поэтиклаштирилади.

Севги айрилигининг юракда қолдирадиган чўнг зарбаси, оғриқли нуқталари тугалланмай қолган «Соя» драматик достонидан парчада янада шиддатлироқ, янада ҳаяжонли ифодаланади.

«Хайр энди...» шеърини севгисидан жудо бўлган, абадий фироққа дучор бўлган лирик қаҳрамоннинг зардобга тула юрак фарёди дейиш мумкин. Унинг айрилиқ лаҳзаларида кўнглидан кечган уй-хаёллари, танг ҳолати бутун драматизми билан юрагидан бир зарбда отилиб чиққандек таассурот қолдиради. Бу кичик шеърда инсон ҳаётининг мураккаблиги, қувонч ва гам доимо ёнма-ён юриши юксак маҳорат билан мисраларга жо бўлган. Шеърни ўқир экансиз муҳаббат – бу ўзини фидо этиш, ўз эркинлигидан жудо бўлиш, ўзини ўзгага бағишлаш деган ўйлар ва яна Чингиз Айтматовнинг «инсон ўзи чинакам яхши кўрадиган одамига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Ҳақиқий муҳаббат

билан ҳою ҳаваснинг фарқи ҳам шунда. Ошиқ қалб сохиби узини уйламайди. Ошиқ узини қурбон қилиб, маъшуқасини сақлаб қолишга тайёр туради», деган сўзлари ёдга тушади. Лирик қаҳрамон севгилисидан билан тирик туриб видолашаётганда унга фақат яхшилик тилайди:

– Хайр энди...
Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи?!
Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан,
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

«Отелло», «Гузалик», «Мен сени куйламоқ истаيمان» каби бир қанча шеърларда шоирнинг муҳаббат ҳақидаги идеаллари мужассам топган. Лирик қаҳрамон бутун қалб бағишланган, бор вужуд фидо қилинган муҳаббатнигина тан олади. Шу билан бирга «чирой оламининг тенгсиз сайқали» бўлган гузалик, малак сиймолар дафъатан юракдан гам-аламни кетказиб, самовий ҳисларга чўмдирса ҳам эстетик категория сифатида гузаликнинг ички моҳияти, парирухсорнинг маънавий олами бирламчи уринда туради. Маънавияти қашшоқ соҳибжамолнинг совуқ сумбати қозғолдан ясалган ниҳоятда чиройли, бироқ жонсиз, ифориш гулдастани эслатади:

Шунчалар гузалсан, гузалсан, санам,
Таърифнинг битмоққа ожиздир қалам,
Бир йигит умрини обод этардинг,
Ақл ҳам берганда фалак бокарам...



Шоир назиддаги севги талқини, вафо ва садоқат тушунчалари маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз чашмасидан сув ичади. «Аёл» шеърдаги «ун тўққиз ёшида бева қолган келинчак»нинг жангчи ёрига садоқати кимларгадир эриш туюлиши, гарбча яшаш тарзига унчалик ҳам мос келвермаслиги мумкин. Бироқ шарқона мезонлардан келиб чиқиб вафо, садоқат тимсоли, ёрнинг хотираси олдида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишнинг юксак намунаси сифатида талқин қилинади. Худди шундай талқин «Жунар бўлдим мен бундан дилтанг» деб бошланадиган шеърнинг ҳам руҳига сингдириб юборилган. Маъшуқа ҳаётда ўзи танлаган йигитни юракдан севади. Унинг учун ҳар нарсага тайёр. Ҳатто осмондаги юлдузга айланса ҳам ёрининг ёнига тушишнинг иложини топишга ўзида куч топа олишига ишонади. Бироқ биргина монелик («Отам оқ йўл берсайди бизга») унинг ўз орзусига етишиши йўлида ўтиб бўлмас тўсиққа айланган. Халқимизда «ота рози – худо рози» деган нақл бор. Шарқона одоб-ахлоқ қанчалик оғир бўлмасин ота ризолигини олмасдан қалтис қадам ташлашдан, ўзини юлдуздек ёрнинг бағрига отишдан тияди.

Шоирнинг ушбу мавзудаги шеърларидан энг машҳурлари албатта «Муҳаббат» ва «Биринчи муҳаббатим» шеърларидир. Талабалик йилларимизда Ёзувчилар уюшмасининг Ҳадича Сулаймонова кўчасида жойлашган собиқ биносида ўша пайтлари бот-бот ўтказилиб туриладиган мушоиралардан бирида «Муҳаббат» шеърини ҳали матбуотда босилмасдан шоирнинг ўз оғзидан эшитгандаги таассурот ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шоир шеърни ўқиб тамомлагач чапак чалинган-чалинмагани ёдимда йўқ, бироқ шундан кейин бир на-

фас оғир сукунат чўмганлиги кечагидек эсимда. Менинг назаримда, тингловчилар аянчли, мунгли, рад этилган севги шарҳи таъсирида алланечук фаромуш бўлиб қолгандек эди. Аслида чиндан ҳам шундай эди. Абдулла ака ўз шеърларини шундай ич-ичдан, эҳтиросли, табиий, ёниб ўқирдики, бу бирорга ҳам таниқли актёр эплай олмайдиган юмушдек туюларди. Айниқса, муҳаббат ҳақидаги изтиробли бу шеърни шоир бутун борлигидан чиқариб ўқиганлиги боис барча бамисоли сеҳрлангандек, унинг таъсиридан ўзларига келолмаётгандек эди. Мен сингарилар эса шундай буюк қалбли шоир севгидан бахтиёр эмас экан-да деган уйда алланечук маъюсланиб қолган эдик. Жуда қисқа муддат ҳукм сурган зил-замбил сукунатни мушоирани бошқариб бораётган устоз Озод Шарафидиновнинг сузлари булди: «Шеър ниҳоятда яхши. Туйғуларга, эҳтиросларга бой», дедилар у киши. Кейин нечундир ўзига хос жилмайиб, «ўйлайманки, бундай севги шеър муаллифининг, яъни Абдуллажоннинг бошига тушмагандир», деб кўшиб қўйди. Мен домла нега бундай деди деган саволга ҳозиргача аниқ жавоб топа олмайман. Эҳтимолки, ўша лаҳзалардаги сукунат, шоирга ачинишга ўхшаш бир таассурот уни шундай дейишга ундаган бўлса керак.

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.
Фақатгина бир ғам ўртар юракларимни,
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.

Шеър шундай бошланади. Лирик қаҳрамон узининг инкор этилган, жавобсиз қолган севгиси тарихини ҳеч нимани яширмасдан тукиб солади. У ёниб, оташин эҳтирос билан севгану, бироқ кўнгил



шишаси «йўқ», деган биргина сўздан чил-чил синган. Мана шундан унинг дунёси қоронғу. Вужудини гам, андух ураб олган, кайфияти тушкун. Бирок:

Утар экан ҳамма нарса, йўқ экан тургун,
Хатто севги неларгадир бўларкан таслим.
Бугун ҳаёт нималиги, севги йуриги –
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.

Инсон қавмидаги бир жинсининг бошқа жинсга бўлган севгиси қанчалик оташин, эҳтиросли бўлмасин вақт ўтиши билан хиралашади, ўт-олов ёшлиқдаги тутқич бермас оловли туйғулар ўрнини сермулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик эгаллайди, умр йўллари ҳаётдаги бошқа ташвишлар билан ўралашиб қолади. Шеърдаги «хатто севги неларгадир бўларкан таслим» мисраси «Ошиқона шеърят» мақоласи муаллифи Тоҳир Шермуродга қуйидагиларни ёзишга дастак бўлган: «Мавзунинг маҳзун, аммо изҳори қойилмақом куйчиси, шуҳрати юксак кечмиш бошқа шоири(яъни А.Орипов – таъкид бизники – Д.Б.) ҳам ана шундай кайфиятни бошидан кечиради. У ҳам севгининг нималаргадир таслим бўлишлигини идрок этди. Кейин «Сокингина бўлиб қолган» юрагини «Муҳаббат» деган шеърда аён қилди. Лирик қаҳрамон энди ўтган биринчи муҳаббатни қўмсашдан наф йўқлигини билади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998 йил 16 январь). Мунаққиднинг муддаоси бу билан «ёниб, энтикиб муҳаббатни куйловчи шуаронинг бари муайян вақт ўтгач, вазмин ва оҳиста наволарга ўтади... Фоний дунё неъматларига-яратикларига бағишланган жамики севгиларимиз онийдир», деган фикрни исбот қилиш. Бу билангина чекланиб қолмайди. Муҳаббат лирикасини «ботил муҳаббат», деб атаб, унга паст назар билан қарайди,

очикдан-очиқ камситади, нега «жун ва қашшок, сохта ва беибо, маҳдуд ва такаббур, муте ва нотавон ошиқлик шеърियाги ҳам барпо булди?» деб надомат чекади. Унинг фикрича, «исломий қарашлар фаҳми» билан йўғрилган муҳаббат талқинигина шеъриятнинг жонига оро киради. Туғри, Тангри таолога булган муҳаббат табиий муҳаббатларнинг энг чуққиси саналади. Бироқ инсоннинг инсонга булган муҳаббати билан Худога булган муҳаббатни бир-бирига қарама-қарши қуйиш туғри булармикин. Ахир ҳидоятга, Аллоҳни севишга элтадиган йул инсонларнинг ўз-ўзини, бир-бирларининг қалбларини чуқурроқ ҳис қилишлари орқали осонроқ кечмайдими? Севги бошқа бировга муҳаббат қуйиш орқали Аллоҳни теранроқ тушуниш воситаси эмасми? Инсон ўз-ўзини англашида муҳаббат етакчи уринда турмайдими? Юрагида одам зотига муҳаббати булмаган кимса қандай қилиб Ҳақ ризолиги сари боради? Туғри, 20, 30-йилларда, умуман шуру даврида муҳаббат мавзусининг ҳам сиёсатлаштирилганлигидан, қашшоқлаштирилганидан, жунлаштирилганидан, айниқса, кейинги вақтларда ҳаёсизлик, шаҳвоният тарғиб қилинган китоблар, кино-телевидение асарлари ўрчиб кетганлигидан, бу ёшлар онгига салбий таъсир қилаётганлигидан кўз юмиб булмайди. Файласуф Ларошфуко қайд этганидек, «Севги битта, бироқ унинг номи билан юритиладиган сохтагарчиликлар минглабдир». Аммо бу муҳаббат лирикасига тақиқ эълон этилиши учун асос буладими? Ахир инсон яшар экан севади, севилади, изтироб чекади, бир онда унинг хаёлидан қанчадан-қанча уй-фикрлар, кечинмалар ўтади. Лирика мана шу оний лаҳзаларни «тутиб олишга», уни ичдан ёритишга даъват этилмаганми?



Аллоҳ ишқи муҳаббатнинг энг юқори чуққисидир. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин шу билан бирга аёл ва эркак уртасидаги севги туйғуси мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу туйғу бизга Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос. Шундай ҳам бўладики, Муҳаббат ҳаётнинг мазмунига айланади, дунёнинг бошқа жамики ишлари унинг олдида ҳеч нарса эмас. Унингсиз инсоннинг маънавий қиёфаси шаклланиши даргумон. У бизнинг иродамиздан, ақлимиздан бесуроқ қалбимизга «меҳмон» бўлади. Муҳаббат – инсон қалбининг назик торларини чертувчи илоҳий бир туйғу, табиат инъом этган эҳсон, юксак қуринишдаги руҳий эҳтиёж, муъжизавий бир туйғудир. Ахир:

Муҳаббатни тарғиб этмоқ жоизмас, бироқ
Айт-чи, нетсин ўз қалбини ахтарса ҳар ким!

(«Ҳаким ва ажал» достонидан)

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикасида севгининг фожеий ҳолатлари ёрқин очиб берилган. Бунинг мисоли ўша «Муҳаббат» ёки бўлмасам «Биринчи муҳаббатим» шеърлари. Шоир бу фожеий севги талқини орқали муҳаббатнинг энг эҳтиросли, теран ва характерли қирраларини очиб берипга муваффақ бўлган. Бир жиҳатдан олганда, севги йўлидаги тусиқлар қанчалар қаттиқ, оғир бўлса, унинг ички қуввати шунчалар кўп намоён бўла боради. Осон эришилган ва бахтли-саодатли севги ўз кескинлигига кўра фожиаи севги билан тенглаша олмайди. «Муҳаббат» шеърида муҳаббатнинг ана шу қирраси моҳирона очиб берилган. Лирик қаҳрамон бутун дарду ҳасратларини очиқ-ошқора изҳор қилади, севгисининг самимийлигига, туйғуларининг табиийлигига инонтиради.

Жамиятнинг тарихий ривожланиши давомида ҳиссий ҳаёт, унинг ёрқин куринишларидан бири булган севги ҳам узгариб боради. Хоҳлаймизми-йўқми ижтимоий воқелик севгини янги ахлоқий мазмун билан тўлдиради, янгича муносабатлар унда ҳам ўз аксини топа бошлайди. «Севгининг мураккаблиги ва муҳимлиги шундаки, унда физиологик ва маънавий, индивидуал ва ижтимоий, шахсий ва умуминсоний, тушунчали ва изоҳлаб булмайдиган, интим ва умум томонидан эътироф этилган йўналишлар узвий бирикиб жамланган» (Қаранг. Философия о любви. М. Сиёсий адабиётлар нашриёти. 1990. 1-китоб, 205-бет).

Асқад Мухтор ҳам бир вақтлар фалсафий шеърятда «ўз замонамизнинг рангини, нафасини, ўз давримиз фалсафий қарашларини» ифодалаш зарурлигини таъкидлаб: «Абдулла Ориповнинг «Куз ҳаёллари», «Муҳаббат» каби баъзи шеърларида мана шу заифлик сезилади. Унинг лирик қаҳрамони бундай шеърларда замондошимиз белгиларини йўқотади, тўлғониб азоб тортувчи мавҳум бир инсонга айланади, шеър эса предметсиз кўп сўзлиликлалосига учрайди» (А.Мухтор. Ёш дўстларимга. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1971, 129-бет), деб ёзган эди.

Бу фикрлар А.Орипов ижодига қарши ҳам ошқора, ҳам пинҳона тазйиқ бошланган пайтларда билдирилганлигини эътиборга олганда (А.Мухтор маъруза ўқилган ва мақола ёзилган даврда Ёзувчилар уюшмасининг масъул котибларидан бири эди) шоир шеърларидан бирон-бир нуқсон топиш учун бундай хулосага келгандек туюлади. Бизнинг назаримизда эса ушбу шеърда шоирнинг замонавий воқелик материали асосида севги мавзусига ўзига хос ёндашиши, ўз тафаккури ёғдуси билан қарашни мужассам топган. Лирик қаҳрамон муҳаббатни

ҳаётнинг буюк неъмат, табиат инъоми деб биллади, «гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб», чин юракдан, самимий севганлигини ошкора изҳор қилади. Шеърда бу мангу туйғуга асир бўлган қалбнинг ўртанишлари, зиддиятли ўй-фикрлари, ички қарама-қаршиликлари, севги драмаси ўзининг ёрқин ифодасини топган. Оҳиста, бир маромда бошланган оҳанг мисрама-мисра таранглашиб, кескинлашиб боради. Бора-бора юрак ҳайқириғига, утли нидога айланади. Лирик қаҳрамон гоҳо «севги йуриғи»ни англаб етгандек бўлади. Яъни муҳаббат – бу ҳар бир ёшнинг қалбига меҳмон бўладиган уткинчи бир ҳавас, лов этиб ёнади-ю, ташвишли ҳаётнинг бошқа синовлари олдида таслим бўлади, деган ўйларга ботиб, ўзини юпантирмақчи бўлади. Бироқ:

Фақатгина бир куч бордир, фақат угина
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга токат.
Ҳаётимда чакнамайсан фақат сенгина,
Толеимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.

Шеърда «бахтли муҳаббат»га муяссар бўлмаган қалбнинг дарду ҳасратлари, умид-ишончи, илтижоси, ҳеч қандай куч, панду насиҳат, зўрлаш билан воз кечтириб бўлмайдиган илоҳий туйғунинг сеҳру жозибаси чуқур, мураккаб кечинмалар тарзида берилади. Севгучи қалб бутун борлиги, изтироблари билан гавдаланади. Бировни мажбуран жиноятга ундаш, бирор ўзига ёқмаган юмушни бажаришга кўндириш мумкин, бироқ ҳеч қачон зўрлаб севдириш мумкин эмас, мажбуран айрилиққа гирифтор қилинган севги ҳам барибир бир умр қалбда қолади. Уни ҳеч қандай куч юрак жавҳаридан айира олмайди. Мана шу ҳолат шеърда ўзининг жозибали ифодасини топган.

Севгининг ўзига хос қийноқлари, ғам-ғуссалари, бемисл синовлари, унқир-чунқирликлари бўлса ҳам инсон барибир бу ҳисга асир. Муҳаббат – инсон ҳаётини олға етакловчи, уни эзгу ишларга ундовчи, ҳаётни севишга чорловчи муъжизакор бир куч. Шу ўринда атоқли ёзувчи, ҳаётини нур бўлиб ёритган муҳаббатни учратган Чингиз Айтматовнинг қуйидаги эътирофини келтириш уринли бўлса керак: «Атрофдаги одамлар, қушларнинг чуғурлаши, япроқларнинг шитирлаши, денгиз тўлқинларининг шовуллаши – ҳамма-ҳаммаси мутлақо бошқача тусга кириб қолди. Менинг атрофимдаги дунё таниб бўлмас даражада ёрқинлашиб, гўзаллашиб кетди». Унинг «бутун ҳаётимга, ижодимга ўтказган таъсирини сўз билан ифода-лаб бўлмайди» (Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош муҳарририяти. Тошкент, 1998, 388-389-бетлар). Шу боисдан ҳам инсон ким бўлишидан қатъи назар бир умр ҳақиқий муҳаббатга талпиниб, жисму жонидан ҳам ортиқ кўрадиган сеvimли кишисини учратишга умид қилиб яшайди. Шу боисдан ҳам «Муҳаббат» шеъри лирик қаҳрамоннинг ҳаётбахш муҳаббатга интиқлиги, унга мушарраф бўлиш орзуси билан якун топади. Лирик қаҳрамон учун ҳар қанча мушкулликлари бўлса-да, севгисиз ҳаёт бўм-буш, маъносиз, омонат тириклик:

Яна қайта севарманми? О, гар севолсам,
Майли, ҳаёт, бор-йўғингни ташла елкамга.
Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,
Қотиллик ҳам қилай майли Отелло монанд,
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

Мумтоз адабиётимизда анъанавий инсоний ишқ-муҳаббат мавзуси кўпинча уз ишқида собит ошиқ ва ҳусну латофатда тенги йўқ гузал образлари тимсолида гавдалантирилганлигини кўрамиз. Ошиқнинг дарду ҳасратлари бевафо ёрнинг ситамлари, нозу истиғноси, ишва-ю карашмаларининг муболағали тасвирида очиб берилади. Одатда, ёрнинг қадди сарвга, шамшодга, қоши ҳилолга, юзи ойга, ёноқлари қизил гулга қиёсланади ва ҳоказо. Бу жиҳатдан йигирманчи аср муҳаббат лирикаси ерга, заминга янада яқинроқ тушди, реал ҳаётгий мазмун билан тулдирилди. Буни Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси мисолида ҳам куриш мумкин. Унинг шеърларида лирик қаҳрамонни азоблар гирдобига ташлаган маъшуканинг бирон таъриф-тавсифи учрамайди. У ким, касб-кори нима, юракка чуғ солган муҳаббат учқуни қандай вазиятларда туғилган деган саволлар ҳам жавобсиз қолади.

«Муҳаббат» шеъри асло «предметсиз кўп сўз-лилик», эзмалик балосига дучор бўлмаган. Унинг ҳар бир банди, мисраси армонли муҳаббатнинг лирик қаҳрамон қалбида қолдирган жароҳатларини, «чандиқларини» чок-чокидан сукиб ташлашга изчил равишда бўйсундирилган. Оддий гапдек туюлган ҳар бир сўз, ҳатто тиниш белгиси шеър олдига қўйилган ижодий ниятни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Ушбу шеър шоирнинг узига хос ижодий услубини аниқлаш борасида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унинг кўпчилик шеърлари монолог шаклида, лирик қаҳрамоннинг эҳтиросли, зиддиятли ўй-фикрлари асосига қурилади. Худди шундай услуб товланишларини «Муҳаббат» шеърида аён куриш мумкин.

Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг қайд этишича, А.Орипов талабалик йилларида мумтоз адабиётимиз вакиллари, Чулпон асарлари билан биргаликда Пушкин ижодини севиб ўқиган («Оила ва жамият» газетаси, 1997 йил, 22 октябрь-28 октябрь, 43-сон). Буюк рус шоирининг анъаналари, тасвирий воситаларига эргашиш, унинг ижодий мактабидан сабоқ олиш самарасини мана шу «Муҳаббат» шеъри мисолида ҳам кўриш мумкин. Пушкиннинг 1826 йилда ёзилган «Жонажон Ватанининг мовий осмони остида» элегиясида бундай сатрлар бор:

Но недоступная черта меж нами есть,
Напрасно чувство возбуждал я.
Из равнодушных уст я слышал смерти весть,
И равнодушно ей внимал я.

Абдулла Ориповда:

Юрагимда севги изи топилмас асло,
На бир афсус, на бир алам чиқмайди ундан.
Шоир сатрин такрорлайман секин, бепарво:
«Қайтмас энди, умид қилма, кетган тўлқиндан...
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундоқ,
Утирмайман у кунларни сўкиб, қоралаб.
Энди менга бари бирдир, дейману шу чок
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.

Ҳар иккала парчада руҳий қарама-қаршилиқ, зидлантириш кучайтирилиши орқали аниқ вазият яратилади. Ҳар иккала шоир ўтмиш бўлиб қолган мунгли севгига нисбатан бепарво бўлишга, хотиржамликка ундайди, бироқ бундай ўзни юпатиш севги оғриғини баттар зўриқтиради. Лирик қаҳрамон беҳудага ҳаётдан бошқа тимсол излайди. Юракка ханжардай қадалган ўтмиш севги барибир уни тинч қўймайди. Яна Пушкин шеърідан мисол:

Так вот кого любил я пламенный душой
С таким тяжелым напряженным,
С такой нежною, томительной тоской,
С таким безумством и мученьем!...
Где муки, где любовь? У вы! В душе моей
Для бедной легковой тени,
Для сладкой памяти невозвратимых дней
Не нахожу ни слез, ни пени.

Абдулла Ориповда:

Кимга шошай, кимни қўмсаб, кимга сиғинай,
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?
Кимни Лайлим, Шириним деб, бахтим деб атай,
Ҳаётим, деб чўққиларга кутарай кимни?!
Йук, йук, утган муҳаббатни қўмсамайман ҳеч,
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч!
Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!

Бунда гап айрим санъатларнинг (такрор санъати – Пушкинда: «С таким..., С такой..., Для бедной, Для сладкой..., ни слез, ни пени; А.Ориповда: «Кимга шошай, кимни қўмсаб, кимга сиғинай, кимни Лайлим..., Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч! Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!) ўхшашлигидагина эмас, балки шеърлардаги оҳангнинг бир-бирига уйқашлигида, лирик қаҳрамон руҳиятидаги оний ўзгаришларни, туйғулар ранг-баранглигини бериш усулида, ички қарма-қаршиликни жилолантиришдадир. Пушкин, Лермонтов тасвир усулларида оҳангдошликни «Қасам дара» шеърисида ҳам кузатиш мумкин.

Замонавий шеърят учун гул ва булбул тимсоли, ёрнинг таъриф-тавсифи эмас, балки севги драмасини, қалб кечинмасининг узини бера билиш, севгувчи юрак хужайраларининг тебранишларини,

титроғини ифодалай билиш муҳимдир. Бу жиҳатдан «Биринчи муҳаббатим» шеъри «Муҳаббат» шеърининг мантиқий давомидек таассурот қолдиради.

Баъзан шеърдаги «биринчи муҳаббатим» атамасига ишора қилиниб, биринчи муҳаббат бўлгандан кейин, демак иккинчи, учинчи муҳаббат ҳам бўлар эканми. Бўлмаган гап. Муҳаббат фақат битта бўлади, деган фикрларга ҳам дуч келамиз. Бирок ушбу мавзу билан шуғулланувчи ҳар хил фанларнинг мутахассислари кўплаб кузатишлар натижасида турлича шароитлар тақозосига кўра бир марта севган инсон ҳаёти давомида яна катта, буюк муҳаббатга дуч келиши мумкин деган хулосага келишади. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»ида Сотти Ҳусайнга жавобан: «Отабекнинг ишқидан ва умуман муҳаббатдан баҳс қилиниб, «ишқ-муҳаббат» доимий бўлмайди» дейдилар. Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Аммо ишқнинг беш-ун йилга тортилиши аниқдир. Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўп. Отабекнинг ишқи уч ярим-турт иилина. Бундай тинчсиз, ҳажр ва фироқли шароитдан ундан ҳам кўпга тортилиши маълум» (А.Қодирий. Кичик асарлар. Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1969, 196-бет.) деб далил келтиради. Куринадики, атоқли адибнинг фикрича, ишқ-муҳаббат бир умрлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай экан «биринчи муҳаббатим» деган атама ҳам яшамоққа ҳақли деб ўйлаймиз. Ахир «илк муҳаббат» ёки бўлмасам русча «первая любовь» деган атамаларга ҳеч бир эътироз билдирилмайди-ку.

Шоирнинг асло муҳаббатни даражаларга бўлиш нияти йўқ, «биринчи муҳаббатим» илк, ҳақи-

қий, яккаю ягона муҳаббат маъносида келмоқда. Ушбу шеърни юракда армон бўлиб қолган муҳаббат ҳақидаги мунгли, ҳазин куйга қиёслаш мумкин. Ҳар бир мисра, ҳар бир сатр, ҳар бир ухшатиш армонли муҳаббатнинг лирик қаҳрамон қалбида, уй-у фикрида қолдирган асоратини чуқурроқ очиб беришга қаратилган. Лирик қаҳрамоннинг назарида чексиз фалақда кезиб юрган ой ҳам порламайди, бўзариб ботади, Зухра юлдузи ҳам милтираб зўрға нур таратади. Унинг маънос, гамгин рухи бутун борлиқни шу тарзда идрок қилади. «Муҳаббат» шеъридаги сингари бу шеърда ҳам лирик қаҳрамон уз утмиш ҳаётини бўяб-бежаб, «сайқаллаштириб» утирмайди, борини тукиб солади. Чархи кажрафторнинг гарди билан юракка, имонга зид йўл тутганлигини яшириб утирмайди.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи туполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан.
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Шеърда муҳаббат туйғуси минглаб куз илғамас иплар билан муҳит, жамият билан чамбарчас чагишиб кетганлиги, тириклик, борлиқ дунё гоҳида англаш ғоятда мушкул сир-синоатларга тўлалиги, қувонч ва ғам инсон ҳаётида ҳамиша эгизак юриши теран маъноли фалсафий қуйма сатрларда юксак санъаткорона муҳрланади:

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан,
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисса асир экан...

«Ошиқона шеърят» мақоласи муаллифи ушбу шеърни назарда тутиб, шоирга қарата: «фанодаги

ёр севгисини тавоф этди, уни ёлғиз Аллоҳим деб билди, Худодан устун қўйди, унга саждалар қилди», деб таъна тошларини отади. Қизиқ ҳолат. Шоир дастлаб шеърда «Аллоҳ» сўзини ишлатганлиги учун коммунист мафкурачиларнинг қаҳру ғазабига дучор бўлган, бу сўз баъзи нашрларда «паноҳим» сўзи билан алмаштирилган эди. Энди давр ўзгарганда муҳаббатни Аллоҳдан юқори қўйди, унга сиғинди деган маломатга қолмоқда. Аслида эса шоир биринчи муҳаббатини «ёлғиз Оллоҳим менинг» деб атаб, ўз муҳаббатига садоқатини, қалбда армон бўлиб қолган муҳаббатнинг буюклигини таъкидламоқчи. Аллоҳ ягона бўлгани сингари «бор дунёсини» фаромуш айлаган, «дилдаги оҳ» бўлиб ёндирган муҳаббат лирик қаҳрамон учун яккаю ягона, бир умрлик муҳаббат эканлигини уқтирмоқчи. Бу шеърятдаги тасвирий усуллардан бири холос. Бунинг мисолларини мумтоз адабиётимизда ҳам қўплаб учратиш мумкин. Ахир Бобораҳим Машраб:

Халойиқ қиблага боқиб декорлар ё расуллоллох,
Намозу рўзада сан деб, санга сажда қилай дерман.

ёки

Қолган Иброҳимдан ул эски дўконни на қилай?
Булмаса васли муяссар икки жаҳонни на қилай?

деб нола қилган-ку. Бу билан у «расуллоллох»ни ёки булмаса Каъбатуллоҳни ёмон отлик қилмоқчи эмас. Бундай зидлаш воситасида ғазалнинг таъсир кучини кучайтиришни кўзлаган холос. Хуллас, ҳар не бўлганда ҳам «Биринчи муҳаббатим» замонавий ўзбек шеърятда муҳаббат ҳақидаги санъаткорона битилган энг гузал шеърлардан бири эканлиги шубҳасиздир. Ёзувчи Исфандиёр «Ижоддан

толиққан ва ёки зикланган онларим Абдулла Ориповнинг шу номли шеърини қайта ва қайта ўқийман. Шунда қисмат исканжасидан холос бўлгандек ва ўша масъуд дамлар оғушига сингиб бораётгандек ҳис этаман ўзимни» («Ёшлик» журнали, 1992, 9-10-сонлар, 27-бет), деб ифодалайди ушбу шеър ҳақидаги ўз фикрини.

Бу ниҳоятда интим туйғу осмондан тушмайди, кишилар орасидаги муносабатлардан туғилади. Ахир шоир айтганидек:

Муҳаббат ҳам хасталиқдир, инжиқ, шиквадор,
Қуриб келмас юракка у аллақайқдан.

(«Ҳаким ва ажал» достонидан)

«Маъжозий муҳаббат»га, «фано севгиси»га ружу қўйиш «гуноҳга доҳил» бўлиш билан барабардир, деган бизнингча бирмунча мунозарали мулоҳазаларга жавобан мумтоз адабиётимизнинг эътиборли тадқиқотчиларидан саналмиш Маҳбуба Қодированинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлса керак: «Инсон мажозий ишқ-муҳаббат билан ҳам ўзининг комиллигини намойиш қилиши керак... Аллоҳ муҳаббати билан пайдо бўлган инсон ҳаёт имтиҳонидан ўтиш билан яна Аллоҳнинг ўзига бориб қўшилар экан, у айна пайтда мажозий муҳаббат (таъкид бизники. – Д.Б.) йўлини босиб ўтади. Тасаввуфда бундай муҳаббат комил инсонлар учун мақсад қилиб берилган...» (М.Қодирова. Шеърят ва муҳаббат маликаси. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998, 72–73-бетлар).

Йиллар оша Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикаси янада теранлашди, мазмунан бойиди. Буни 1966 йилда битилган «Чувалади ўйларим сенсиз...» ва 1988 йилда ёзилган «Малак» сарлавҳа-

ли шеърлар мисолида куриш мумкин. Биринчи шеърда лирик қаҳрамон севгилисини тушларида куришини, бироқ улар ўртасидаги айрилиқ ниҳоятда ҳадсизлигини («менинг қулим етмаган юлдуз»), уйларини чувалантирган гузалнинг макони ердан кура кўпроқ кўкда эканга ухшаб кетишини («балаңдасан тоғлар қоридан»), лекин шундай булса-да унинг ортидан Маҳшаргача кетишга тайёр эканлигини изҳор қилади. Бироқ шеър сўнгида:

Сени сураб қуймаса нетай,
Ерда қолган севги бечора, –

дея хитоб қилади. Охириги мана шу икки сатр билан осмоний севгидан кура заминдаги севги унинг учун қадрли эканлигини ошқор қилади. Энди «Малак» шеърини куриб чиқайлик:

Нечун угирладинг уй-у фикримни,
Нечун хаёлимни айладинг сарсон.
Энди мен билмасман борар еримни,
Энди туйғуларим қолди саргардон.

Маъшуқа лирик қаҳрамоннинг бутун фикру зикрини эгаллаган, хаёлини банд этган, туйғуларини фаромуш айлаган У ким?

Қай бир жиҳатлари билан Чулпоннинг машҳур «Гузал» шеърига руҳий оҳангдош ушбу шеърда лирик объект, яъни малак (Чулпонда гузал) тирик вужуддан кура кўпроқ фақат тасаввурда, хаёлда мавжуд булган самовий санам қиёфасида чизилди:

Сени кўргандайман тушимда фақат,
Учиб ўтгандайсан мисоли юлдуз.
Самовий мўъжиза, илоҳий талъат,
Тенги йўқ бир малак, қошлари қундуз.



Буюк бобокалон шоиримиз Алишер Навоий “Махбуб-ул қулуб” асарида ишқни авом ишқи, мажозий ишқ ва илоҳий ишқ деб уч турга ажратганлар. Мажозий ишқни қай маънодадир моддийлашган маънавий ишқ, инсоннинг инсонга муҳаббати дейдиган бўлсақ, илоҳий ишқни эса ишқнинг энг олий кўриниши, моддийлашмаган маънавий ишқ дейиш мумкин. Шу маънода яқунловчи турт сатр шоирнинг лирик қаҳрамони моддийлашган маънавий ишқ билан моддийлашмаган самовий ишқ аросатида тургандек таассурот қолдиради:

Насиб этармикан бирор кун висол,
Насиб этармикан тутмоқ қулингни.
Ва ё ношуд қолган мунажжим мисол,
Пойлаб утарманми қайтар йулингни...

Шоирнинг саккиз мисралик «Илк севги» деб номланган шеъри бор:

Оддий машинани курса болалар
Ҳайратга тушишни қанда қилмайди.
Олис қолдузларга улкан кемалар
Учиб юрганини улар билмайди.
Биз-чи, дунё ишин биламиз андақ,
Оила қурамыз, бола қурамыз.
Лекин машинага боққандай гўдақ,
Ҳамон илк севгини эслаб юрамыз.

Инсоният фан ва техника соҳасида мислсиз кашфиётлар асри бўлган йигирманчи асрдан янада ҳайратланарли ихтиролар яратилиши қутилаётган йигирма биринчи асрга қадам қўяётган бир дамларда, бир қараганда, муҳаббат масаласида ҳам ҳеч бир жумбоқ қолмагандек. Бироқ бола оддий нарсадан ҳайратлангани сингари инсон ҳам муҳаб-

бат тилсими олдида танг аҳволда. Муҳаббат ҳамон сирди, муъжизали, жумбоқли.

Юқорида куриб чиққанларимиз Абдулла Ориповнинг бу юксак туйғу олиймақом йўсинда тараннум этилган дилбар шеърлари, ғазаллари ўзбек ишқий лирикасининг тўзал саҳифаларини ташкил этади, маънавиятни юксалтиришга, маънавий оламни, қалбларни бойитишга хизмат қилади дейиш учун тўла асос беради деб ўйлаймиз.

Дониёр Бегимқулов



МУНДАРИЖА

Биринчи муҳаббатим	3
Сен баҳорни соғинмадингми?	5
Муҳаббат	6
Сен илоҳий	9
Мажнунтол	10
Эриган булут	12
Софдил	13
Севгисиз одам	14
Сув париси	16
«Умр дуч қиларкан . . . »	18
«Шовуллади тун буйи шамол . . . »	19
«Номаълум қиз» суратига	20
Сендан йироқда	21
Кул	22
«Ошиқ учун бундан соз . . . »	23
Эслаш	24
«Деразангни қоплар оқшом зулмати . . . »	25
«Ўйлардимки . . . »	26
«Бахт кутмасман . . . »	27
Айрилиқ қўшиғи	28
«Мен қувонар бўлсам – сен сабаб . . . »	29
Қасам дара	30
«У қўшиқ куйлади ёр шаънига маст . . . »	33
«Йулим бошлар . . . »	34
«Юлдузлар утига . . . »	35
«Соя» драматик достонидан	36
«Нега мени севмадинг . . . »	37
Этгали	38
«Ўтинаман . . . »	39
Қўздан кутган эдим орзиқиб мана	40
«Хайр энди . . . »	41
Аёл	42
Отелло	44

«Чувалади уйларим сенсиз . . . »	46
«Осмон уфқларга . . . »	47
«Ёмғирли кун эди . . . »	48
Мен сени куйламоқ истаيمان	49
«Қўйил у кунларни эслатма менга . . . »	51
«Алвидо, деб»	52
«Ереван кучасида . . . »	53
Севги ўлими	54
Оху	55
Гузалик	56
«Баҳор кунларида ... »	57
«Куз манзаралари . . . »	58
«Севгидан суйлардинг . . . »	59
«Бу кун . . . »	60
Баҳор кунларида	61
Кетмакдаман	62
«Ёндиму ва лекин . . . »	63
Илк севги	64
«Ох, ўтган у кунлар қайтмагай зинҳор . . . »	65
Илтижо	66
«Кузак шамоллари эдилар яна . . . »	67
«Келдим қошингизга чопиб, энтикиб . . . »	68
Мактуб	69
Ҳавас	70
«Ғаним бўлолмасмиз . . . »	71
“Ҳаддим борми . . . ”	72
«Сен борсан . . . »	73
Ғазал	74
Висол	76
«Бунчалар камолот . . . »	77
«Оқ қоғоз»	78
Аён бўлгай	79
Сен қайдан биласан	81
Ранглар	82
«Сенга бу дунёнинг . . . »	83
Тўртликлар	84
Тулин ой	87
Кўнги	88
Сизни учратгунча	89
Нома	90
«Йироқ бул ҳасратдан . . . »	91



«Баҳор келаётир . . . »	92
«Гар муҳаббатнинг . . . »	93
Малак	94
Гузаликни йўқлаш	95
Рубоийлар	96
Бу йулар	97
Юрагимнинг тубида бир ном	98
Лайли ва Мажнун	99
Муҳаббат	100
Абдулла Қодирийнинг сунги сабоғи	101
Мен фақат	102
Севишганлар	103
«Муҳаббат хиссини . . . »	104
Буддило	105
Ўғит	106
Жаннат	106
Меҳр	106
Тавба	107
Мулк	108
Менга хуш хабар айт	109
Хабар	110
Малак	111
Бегона	112
Уйғунлик	113
«Кезиб оламни . . . »	115
Ғунча	116
Европа	117
Муҳаббат	118
«Сени қурай дедим . . . »	118
Сафар	119
Унутиш	119
Малак	121
Вафо	122
Ҳаётга қайтиш	123
Туш	125
Агар сенсиз	126
Дилдаги оҳим менинг (Д. Бегимқулов)	128

Адабий-бадий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Шеърлар

Мухаррирлар: *Ойдинниси, Уткир Йўлдошев*

Бадий муҳаррир *Азамат Йўлдошев*

Техник муҳаррир *Дилмурод Жалилов*

Мусаххих *Фотима Ортиқова*

Саҳифаловчи *Ҳилола Шарипова*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016
2018 йил 29 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 80x100 ^{1/32}. Palatino Linotype гарнитураси.
Офсет босма. 7,215 шартли босма табоқ. 3,635 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 45-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz

Биринчи муҳаббатим



ISBN 978-9943-03-808-0



9 789943 038080